ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 7 ОКТЯБРЬ КУНИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИ, ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-y. 10-OKTABR, №41 (1186)

СЕКТОР ҲУДУДИДА ЖИНОЯТЛАР 39 ФОИЗ КАМАЙИШИГА ЭРИШИЛДИ. 2

ИИБ ХОДИМИ ЧОЙХОНАДАГИ ҚАРЗИНИ ҲАҚИҚИЙ ҲОЛАТНИ ЯШИРИШ ОРҚАЛИ ЎЗГАНИНГ ГАРДАНИГА ИЛИБ ҚЎЙДИ. 3

ШИФОКОРНИНГ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИГИ САБАБ БИР ИНСОН ВАФОТ ЭТДИ, БОЛАЛАРИ ЭСА ЧИРҚИРАБ ҚОЛДИ. 5

АВВАЛ ЭР ГАПИРАРДИ, ХОТИН ТИНГЛАРДИ. ЭНДИ ЭСА ИККАЛАСИ БАРАВАР ГАПИРАДИ, ҚЎШНИЛАР ТИНГЛАЙДИ... 7

BOSH PROKURATURADA

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ТИНГЛАНДИ

2019 йилнинг 4 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев томонидан видеоконференция алоқаси орқали фуқароларнинг қабули ўтказилди.



Қабулда Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан жами 20 нафар жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиниб, уларнинг мурожаати тингланди.

Мурожаатларнинг 13 таси суд масалалари, 4 таси прокуратура иш юритувига, 2 таси ички ишлар ҳамда 1 таси пенсия таъминотига оид.

Бош прокуратура томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш борасида ишлар давом эттирилмоқда.



ЧИҚИНДИДАН ТОПИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

«МАХСУСТРАНС» УДДАБУРОНЛАРИ ҚАРИЙБ 250 МИЛЛИОННИ ҚАНДАЙ ТОПИШДИ?..

5-бет

ЭРКАКНИНГ ЎРНИ...

«Эркинлик» сари интилаётган аёллар отасиз фарзанд тарбияси ҳам шунга яраша «эркин» бўлиши мумкинлигини унутмаслиги лозим.



6-бет



ЭСКИ МУҲРНИНГ «СЕҲРИ»

8-бет

ШАНТАЖЧИ ОТА

ҚИЗИНИ ШАНТАЖ ҚИЛАДИГАН ОТАЛАР ҲАМ ТОПИЛАР ЭКАН.



9-бет

JARAYON

Эл дардига дармон бўлиб...

Аҳоли билан учрашиш, муаммоларини аниқлаш ва ўша ернинг ўзида бартараф этиш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида Бош прокуратура раҳбарияти томонидан сайёр қабуллар ўтказилди.

Хусусан, Бош прокурор ўринбосари Саидлазиз Саидкаримов Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида сайёр қабуллар ўтказди. Уларда жами 218 кишининг мурожаати қабул қилинди.

Мурожаатларнинг 20 таси жойида ҳал қилинди, 41 таси Бош прокуратура, 157 таси ҳудудий прокуратуралар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Бу борадаги ишлар давом этаяпти.

TADBIR

ҲАР ИШНИНГ УСТАСИ, ҲАР УСТАНИНГ УСТОЗИ БОР

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Учтепа тумани прокурори ташаббуси билан туманда узоқ йиллардан буён яшаб, прокуратура органларида хизмат қилган фахрийлар ҳамда турли соҳаларда фаолият юритаётган фуқароларнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Баҳодир СУЛТОНОВ,
Учтепа тумани
прокурорининг ўринбосари

Хусусан, узоқ йиллардан буён новвойлик қилиб ўндан ортиқ шогирд етиштирган Мансур Туроповнинг, прокуратура органларида хизмат қилиб, ҳозир кексалик гаштини сураётган Асатилло Ҳакимовнинг хонадонига борилиб, байрам билан қутланди.

Шу билан бирга, 2-сектор ҳудудида истиқомат қилувчи ва кўп йиллар тиббиёт, таълим муассасаларида ишлаган тарбиячиларнинг уйига бориб, улар ҳам байрам билан табрикланди. Ўз навбатида, фахрийлар ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Бундан ташқари, 2-сектор раҳбари ташаббуси билан Учтепа тумани 21-мавзесида яшовчи Ф.Ҳакимовага тикув машинаси тақдим этилди.

Байрам тадбирлари давомида касбий маҳорати ва ишчанлиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган 10 та ўқитувчи ва 10 та тарбиячига туман прокурорининг фахрий ёрлиғи топширилди.



Яқинда Чирчиқ ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ва Чирчиқ шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Чирчиқ шаҳридаги 14-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Меҳрибонлик уйидаги учрашув

Азизбек АБДУРАҲМОНОВ,
Чирчиқ ҳарбий
прокурорининг ўринбосари

Тадбир иштирокчиларининг меҳрибонлик уйидаги шарт-шароитлар билан танишиши жараёнида меҳрибонлик уйи директори Фарида Кенжаева у ерда болалар сони аввалги йилларда 87 нафар бўлганини, ҳозир эса 120 нафарга етганини афсус билан тилга олди.

Шунингдек у 2019 йилда тарбияланувчилардан 6 нафар бола олий ўқув юртларига грант асосида ўқишга кирганини, тарбияланувчилар футбол ва енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатларида юқори ўринларни эгаллаганини таъкидлади. Шундан сўнг у болалар бўш вақтида ҳар хил тўгаракларда ҳунар ўрганаётганини айтиб, тадбир иштирокчиларини ушбу тўгараклар фаолияти билан таништирди.

2019 йилнинг 30 сентябрь куни Сирдарё вилояти прокуратурасида вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари О.Қўлдошев олиб борди.

YIG'ILISH



ҲИСОБОТЛАР ҲАҚҚОНИЙМИ?

Йиғилишда вилоят прокуратураси бўлим бошлиқлари, туман ва шаҳар прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари, тергов бўлими бошлиғи ва терговчилари, департамент ва МИБ вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосарлари, суриштирув бўлими бошлиқлари, туман ва шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосарлари, тергов бўлими бошлиқлари қатнашди.

Мажлисда Гулистон, Янгиер шаҳарлари ва Сайхунобод туманида терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан жиноий-ҳуқуқий статистика соҳасида юритилган ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги муҳокама қилинди.

Соҳада бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилгани, жиноий-ҳуқуқий статистика бўлимига бирламчи ҳисобга олиш карточкаларини ўз вақтида тақдим қилмаслик, кечиктириб тақдим қилиш ҳолатларига ҳануз чек қўйилмагани, карточка тўлдирилганидан сўнг тегишли орган раҳбари ўзига тааллуқли қисми маълумотларининг тўлиқлиги ва аниқлигини йигирма тўрт соат ичида текшириб тўлдириши ва тақдим этиши белгиланган бўлсада, карточкаларни кечиктириб бериш ҳолатлари ҳамон давом этаётгани таъкидланди.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиб, келгусида бундай хато ва камчиликларга йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилиш якунига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг олдига қўйиладиган асосий вазифаларни белгилаб берувчи қарор қабул қилиниб, ижро этиш учун мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоларига юборилди.

Сирдарё вилояти прокуратураси

FAOLIYAT

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Юқоричирчиқ тумани 2-сектори ишчи гуруҳи томонидан 2019 йилнинг 9 ойида 7494 та хонадонда 274 та муаммо аниқланди ва уларнинг 234 таси (85 фоизи) ҳал этилди.

Ганишер АБДУСАЛОМОВ,
Юқоричирчиқ тумани
прокурори

Шунингдек, ишчи гуруҳ 422 та объектдаги аҳволни ўрганди, уларнинг 124 тасида аниқланган муаммоларга ечим топилди. Жумладан, 59 та кўча, қабристон ва масжид ободонлаштирилди, 7 та кўча асфальтланди, 34 та объектда электр тармоғидаги, 10 та объектда газ тармоғидаги, 5 та ичимлик суви тармоғидаги носозликлар ҳамда 2 та кўп қаватли уй ёнидаги ноқонуний қурилмалар бартараф этилди.

Шу билан бирга, аҳолининг хоҳиши асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон ва ёлғиз фуқаролар ҳамда эҳтиёжманд оилалар учун бу йил сектор ҳудудида тўртта кўп қаватли арзон уй қурилиб, бугунги кунда фойдаланишга топширилмоқда.

Аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, муаммоларини аниқлаш ва жойида бартараф этиш мақсадида 2019 йилнинг ўтган даврида 2-сектор ҳудудида 25 марта сайёр қабул ўтказилиб, 192 кишининг мурожаати тингланди. Мурожаатларнинг 57 таси қаноатлантирилди, 62 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди, 73 таси назоратга олиниб, кўриб чиқиш учун мутасадди ташкилотларга юборилди.

Юқоричирчиқ тумани прокуратурасида 24 сентябрь куни "Прокурор ва ёшлар" учрашуви ташкил этилди. Унда туман прокурори ёшларга мамлакатимиздаги ўзгаришлар, ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳақида тушунтириш берди. Шунингдек ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тадбирда фаол қатнашган бир гуруҳ ёшларга китоблар совға қилинди.

Бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири аҳоли бандлигини таъминлашдир. Бу борада Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 19 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 411 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Ҳеч қайси давлат инвестициясиз ривожлана олмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб номлангани ҳам бежиз эмас. Секторда инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари билан учрашилиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Натижада бугунги кунда ушбу лойиҳаларнинг учтаси ишга туширилиб 97 кишининг бандлиги таъминланди.

Прокуратура органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳам зарур чораларни кўрмоқда. Асосий эътибор жиноят содир этишга мойил шахслар билан профилактик ишлар олиб боришга қаратилди. Шу тариқа жорий йилнинг ўтган даврида сектор ҳудудида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 тага ёки 39 фоиз камайишига эришилди.

Эҳтиёжманд оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши туфайли сектор ҳудудидаги кам таъминланган 58 та оиланинг 44 таси ўзини ўнглаб олди. Хусусан, кам таъминланган оилаларга 4,5 млн. сўмлик сабзавот ва мевали дарахт кўчатлари берилиб, 26 та оила аъзоси иш билан таъминланди ва 18 таси тадбиркорликка жалб қилинган ҳолда уларга 66 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Ёшлар эртамиз эгаларидир. Шу боис таълим-тарбия масаласи доимо эътиборда бўлиб келган. Айниқса, бугунги кунда болаларни мактабгача таълим тизимига қамраб олишни кўпайтириш муҳим вазифалардан бўлиб турибди. Сектор ҳудудида жами 6 та (3 та давлат ва 3 та нодавлат) мактабгача таълим муассасаси бўлиб, боғча ёшидаги болалар сони 2927 та. 515 та бола мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинган. Шу жумладан ўтган даврда ҳудудда 3 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этилиб, бугунги кунда уларда 85 нафар бола тарбияланмоқда.

Шунингдек, ҳозир прокуратура ташаббуси билан сектор ҳудудидаги 6-боғчани капитал таъмирлаш ва қўшимча бино қуриш ишлари олиб борилмоқда. Ишлар якунланиши билан ушбу боғчада 330 болани қамраб олиш имконияти яратилади. Натижада ҳудудда боғча ёшидаги болаларнинг 30 фоизини мактабгача таълим муассасасига жалб қилишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси Шукуржон Зуҳуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

ҲАММА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ БИР ХИЛДА – БИР ЙИЛ ЎТАЙДИ

2019 йил 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Исмоилжон АБДУҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ҳарбий прокурори в.в.б

Янги таҳрирдаги ушбу низомда мамлакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини юксалтириш ва Қуролли Кучларимиз жанговар шайлигини янада ошириш мақсадида қўшин турларини ёш, шижоатли, ватанпарвар, садоқатли ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар билан тўлдириш, шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилиш шартлари, ҳарбий хизматни ўташ жараёни, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси ва ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш тартиби билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.



Мазкур ҳужжат асосида Қуролли Кучларимизни шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар билан бутлашнинг "экстерриториал" принципи билан бирга янги "территориал" принципи жорий этилди. Ушбу норманинг янги низом билан тасдиқланиши ҳарбий хизматчиларнинг хизмат жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни тартибга солади.

Эски низомда олий маълумотли фуқаролар учун муддатли ҳарбий хизмат муддати 9 ой қилиб белгиланган эди. Янги таҳрирда эса 12 ой этиб белгиланди.

Шунингдек, календарь ҳисобида камида 10 йил ҳарбий хизмат қилган офицерлар таркибига мансуб шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга ҳақиқий ҳарбий хизматдан захирага бўшатилаётганда ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига олий таълим муассасасининг кундузги бўлимидаги 1 ой ўқиш муддати 1 ой хизмат муддати ҳисобида ҳамда олий таълим муассасасини тамомлаганидан сўнг ихтисослигига мос келадиган лавозимлардаги 1 ойлик иш стажи 1 ойлик хизмат ҳисобида қўшиб ҳисоблаш тартиби жорий этилди.

Янги низом билан амалиётга нафақа ҳисоблаш вақтида ҳарбий хизматдан ташқари давлат хизматларининг бошқа турлари назарда тутилган вазирликлардаги хизмат махсус унвон берилган кундан бошлаб ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланиши тўғрисидаги норма киритилди.

Бундан ташқари, янги низомда фуқароларни шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилиш тартиби соддалаштирилди. Шартнома бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш борасида ўтказиладиган икки босқичли танлов бир босқичга қисқартирилди. Шунингдек, фуқароларнинг тиббий кўриги ва жисмоний тайёргарлиги текшируви вазирликларнинг ҳудудий ваколатли органи саралаш комиссиялари томонидан бир марта ўтказиладиган бўлди.

Эски низомда олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари лавозимларига қабул қилинишдаги ёш чегараси 17 ёшдан 21 ёшгача эди. Янги низомда ушбу ёш чегараси 17 ёшдан 23 ёшгача қилиб белгиланди. Шунингдек, 26 ёшгача бўлган ва олий ҳарбий таълим муассасаларида алоқа муҳандис техниги ва ҳарбий-тиббиёт ихтисослиги бўйича ўқиш истагини билдирган Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг талабалари олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари лавозимларига ўқишга қабул қилиниши тўғрисидаги норма киритилди.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчининг бошқа ака-укалари бўлмаган тақдирда алоҳида яшовчи ота-онасига доимий равишда қараб туриш учун оилавий шароитига кўра янги хизмат жойига ўтказиш масаласида бундан буён унинг яқин қариндошлари ҳисобланган опа ёки сингилларининг борлиги, уларнинг ота-онаси қатори бир вилоят, туман ёки шаҳарда истиқомат қилиш ҳолатлари инобатга олинмаслиги тўғрисидаги тартиб жорий этилди.

Низомнинг янги таҳририда шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларни бир вазирлик тизимидан бошқа бирига ўтказиш тартиби соддалаштирилиб, номенклатура лавозимларига кирмайдиган ҳарбий хизматчилар бошқа вазирликларга вазирлик раҳбарларининг ўзаро келишуви асосида ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Энди муддатли ҳарбий хизмат маълумот даражасидан қатъи назар 1 йил бўлади.

Ҳарбий хизматчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби қисқартирилди. Бундан буён ҳарбий хизматчиларни ҳарбий унвон олиш учун, юқори лавозимга тайинланиш учун, олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаганидан сўнг, шунингдек, захирадаги офицерларни ҳарбий хизматга қабул қилиш даврида мажбурий тарзда аттестациядан ўтказмаслик тартиби жорий қилинди.

Бундан ташқари, аттестация комиссияларининг таркиби Қуролли Кучлар тизимидаги вазирлик ва идора раҳбарлари томонидан шакллантирилиши ҳамда белгиланиши жорий қилиниб, аттестация комиссияси йиғилишида қабул қилинадиган қарор ва таклифлар рўйхати соддалаштирилди.

Янги низомда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон давлат бюджети маблағи ҳисобидан озиқ-овқат, пул, кийим-кечак, уй-жой билан таъминланишлари, Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган пенсия, тиббий таъминот ҳамда бошқа ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан фойдаланишлари тартиби мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибига мансуб шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга йил якунларига кўра қўшинлар жанговар шайлигини сақлаб тургани, хизмат мажбуриятларини виждонан бажаргани учун бир марта бериладиган пул мукофоти, шунингдек, йилда бир марта бир марталик пул таъминоти окладига тенг миқдордаги моддий ёрдам пули тўлаб бериш нормаси ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ёки захирага бўшатилган шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматининг умумий давомийлиги 10 ва ундан ортиқ календарь йилга етганида Ўзбекистон Уй-жой қонунчилигида кўзда тутилган меъёр ва тартибларга мувофиқ ўзлари эгаллаб турган турар жойларини бепул хусусийлаштириб олиш ҳуқуқига эгаликлари белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вазирлик томонидан уй-жой билан таъминланмаган шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга уларнинг аризасига биноан тақдим қилинаётган уй-жой умумий қийматининг 25 фоизидан 50 фоизигача миқдордаги дастлабки бадал пулини давлат бюджети ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаш йўли билан узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитини бериш тизими бўйича турар жойлар берилиши мумкинлиги тўғрисидаги янги норма киритилди.

Қолаверса, катта офицер ва генераллар таркиби билан бир қаторда захирага бўшатилганидан сўнг ҳарбий-тиббий муассасалардаги бепул тиббий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқи хизмат йилларининг умумий давомийлиги 20 йил ва ундан ортиқ бўлган кичик офицерлар, сержант ва оддий аскарлар таркибига нисбатан ҳам татбиқ этиладиган бўлди.

Бундан ташқари, янги низомга кўра шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари яшаш жойи, шу жумладан вақтинча яшаш жойи бўйича мактабгача таълим муассасалари ва ўрта таълим муассасалари, шунингдек вазирликнинг болалар соғломлаштириш лагерларига навбатсиз қабул қилинадиган бўлди.

Янги низомга кўра шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ҳар йилги навбатдаги таътилларига 10 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг 5 сутка, 15 йиллик ҳарбий хизматдан сўнг 10 сутка, 20 йиллик ва ундан кўп ҳарбий хизматдан сўнг 15 сутка қўшимча таътил берилиши тартиби жорий этилди.

Шунингдек, камида 20 календарь йили мобайнида ҳарбий хизматни бенуқсон ўтаган офицерлар таркибига мансуб шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга ҳарбий хизматдан бўшатилаётган вақтда тегишли буйруқлар билан ҳарбий кийим бошни кийиш ва фарқловчи нишонларни тақиш ҳуқуқи бериладиган бўлди.

JINOYAT VA JAZO

ИНСПЕКТОРНИНГ «ЧОЙХОНАДАГИ ҚАРЗИ»

Бир тасаввур қилинг-а, новвой нонни топтаса, шифокор даволаш ўрнига беморга атай касаллик юқтирса, ўқитувчи боланинг кўз ўнгида тарбиясизлик қилса... Ҳуқуқ посбонининг ўзи жиноятга қўл урса-чи? Бу ҳолатнинг юқоридагилардан нима фарқи бор?

Алишер МИРЗАЕВ,
Қарши тумани прокурори

Жиноят ишлари бўйича Қарши тумани судида Касби туман ИИБ профилактика инспектори вазифасида ишлаган Фазлиддин Эрматовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, Фазлиддин Эрматов 1976 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-махсус, аввал судланмаган. Оилали, икки фарзанди бор.

Ўшанда августнинг илиқ тунларидан бири эди. Фазлиддин хизмат вазифасини ўтаётганида Касби тумани Қамаши қишлоғида яшовчи Ж.Исоқов унга қўнғироқ қилди. Айтишича, собиқ синфдоши Қ.Хўжақулов уни уриб, жароҳат етказган. Фазлиддин Эрматов ҳамкасби, туман ИИБ ҲПБ ТП профилактика инспектори К.Абдиев ҳамроҳлигида ҳодиса жойига бориб, ҳолатни ўрганди.

Ҳодиса жойида ҳозир бўлган фуқаролар Ж.Исоқов, О.Қораев, Қ.Хўжақулов ва Б.Низомовнинг мастлигини аниқлаш ва тиббий хулоса бериш учун Касби тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига хат берди. Бу борадаги хулосани олганига қарамасдан, ҳодиса жойини кўздан кечириш бўйича ва бошқа ҳужжатларни Касби тумани "Нуробод" маҳалла фуқаролар йиғинига масъул бўлган профилактика инспектори К.Абдиевнинг номидан расмийлаштирди. Аслида Ж.Исоқов жанжал оқибатида жароҳат олганини била туриб, ҳақиқий ҳолатни яширди.

Унинг талқинига кўра, Ж.Исоқов жанжал туфайли эмас, велосипеддан йиқилиб жароҳатланган экан.

Инспектор ўзининг жиноий режасини амалга ошириш мақсадида жанжалда ҳозир бўлган йигитларга мастлик ҳолати бўйича маъмурий баённома расмийлаштирди. Олим Қораевга эса сирли тарзда шипшиди:

— Аслида сенга ҳам шерикларинг қаторида протокол тузиб, судга олиб чиқишим керак. Суд 900 минг сўм маъмурий жарима белгилаши мумкин. Майли, мен протокол тузмайман. Эвазига тумандаги "Улфатлар" чойхонасига бориб, иш юритувчига 200 минг сўм пул берасан. Менинг ундан қарзим бор. Ёки шу пулни ўзимга олиб келиб берасан...



У бўлди, бу бўлди, инспектордан қўрққан йигит пулни чойхонага эмас, унинг ўзига келтириб берадиган бўлди. Шу тариқа Фазлиддин Эрматов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ўтказган тезкор тадбирда ўз хизмат хонасида Олим Қораевдан пора тариқасида 200 минг сўм олган пайтида қўлга олинди.

Суд ҳукмига кўра Фазлиддин Эрматов икки йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан, уч йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ОШИРИЛАДИ

Бугун янгича тафаккур, янгича фикр билан яшамасак, мамлакатимиз ҳаётида бўлаётган ислоҳотлар кутилган самарани бермаслиги мумкин. Бу аввало фуқароларнинг онгу тафаккуридаги ўзгаришларга, ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссининг ортиб боришига, жамоатчилик назорати ва фуқароларнинг фаоллигига боғлиқ.

Мамлакатимизда жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич ўтказилмоқда. Аввало Конституциямизда давлатнинг жамият олдидаги масъуллиги мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясининг 2-моддасига мувофиқ давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Шунингдек, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунга асосан Конституциямизнинг 32-моддаси жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид янги норма билан тўлдирилди. Асосий қонунда бундай нормаларнинг акс этиши жамоатчилик назорати институтига конституциявий-ҳуқуқий мақом берди. Шу билан бирга, жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид қонунчилик тизими шаклланишига замин яратди. Юқоридаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2018 йил 13 апрелда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Дарҳақиқат, аҳолини жамоат ва давлат ишларини бошқаришга фаол жалб этиш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва юридик саводхонлигини ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали қарорлар қабул қилишнинг ғоят муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатни ривожлантиришнинг жадал суръати жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирокини янада кенгайтириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларини инобатга олган ҳолда уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини авж олдириш учун қўшимча шароитлар яратишни тақозо этмоқда.

Жамоатчилик фикрини таҳлил этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг янада очиқлигини таъминлаш мақсадида 2019 йил 4 октябрь куни Ўзбекистон Президентининг "Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун ҳужжатларининг лойиҳалари бўйича муҳокама натижалари Адлия вазирлигига (ҳуқуқий экспертиза учун) ва Вазирлар Маҳкамасига (кўриб чиқиш учун) киритилади. Бунда, қоида тариқасида, келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилиши мажбурийдир.

Шунингдек, қарорга биноан 2020 йил 1 январдан бошлаб республика, вилоятлараро ННТ(нодавлат нотижорат ташкилотлари)ларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун юридиладиган давлат божи ставкалари базавий ҳисоблаш миқдори(БҲМ)нинг 4 бараваридан 3 бараваригача, вилоят ННТлари учун — БҲМнинг 2 бараваридан 1 бараваригача пасайтирилади.

> *Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилади.*

Фаолиятини туман (шаҳар), шаҳарча, қишлоқ ва овулда олиб борадиган ННТни давлат рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи ставкаси БҲМнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Қарорга асосан халқаро амалиётда кенг тарқалган жамоатчилик назоратининг таъсирчан шаклларини жорий этиш ва давлат органлари ва ташкилотлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти, тегишли соҳалардаги ишларнинг ҳолатини яхшилашда уларнинг роли ва самарали иштироки масалаларини назарда тутган ҳолда уч ой ичида "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қайта кўриб чиқиш белгилаб қўйилди.

Эндиликда республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, фаолиятини молиялаштириш манбасидан қатъи назар, ушбу орган ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан мажбурий тартибда уларнинг веб-сайтлари яратилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтига қўйиладиган асосий талабларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқади. Шунингдек, интернет тармоғида республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сайтлари мавжудлиги ва фаолият юритиши инвентаризациядан ўтказилади.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шуки, "O'zbekiston" телеканалида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни кенг кўламда тушунтириш ва тарғиб қилиш, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун олимлар, социологлар, тадқиқотчилар, экспертлар, жамоат арбоблари, аёллар, ёшлар ва фуқаролар иштирокида доимий фаолият юритувчи "мунозара майдончаси"ни ташкил этишга қаратилган телекўрсатувлар туркумини тайёрлаш ва намойиш этишни назарда тутувчи "Jamoatchilik fikri" таҳририяти ташкил этиладиган бўлди.

Бундан ташқари, қарорга мувофиқ 2020 йил 1 февралга қадар Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2019/2020-ўқув йилидан бошлаб эса тўлов асосида ННТлар раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилади.

Фарҳоджон НАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

FAOLIYAT

ТАҲДИД ВА ЗЎРАВОНЛИК

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни замонавий уйлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 24 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарорига асосан ҳарбий хизматчиларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериб келинмоқда.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари тикланди

Азиз ИСОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Самарқанд ҳарбий прокуратураси томонидан қарор ижроси ўрганилганда 2018 йил январь ойида Самарқанд шаҳри Бахтли ҳаёт кўчасида уч қаватли, 72 хонадондан иборат тўртта уй қурилиб, узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида Қуролли кучлар ҳарбий хизматчиларига топширилгани аниқланди.

Мазкур уй қурилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар 72 нафар ҳарбий хизматчи томонидан банклардан олинган кредит ҳисобидан "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясига тўлиқ тўлаб берилган бўлса-да, ўрганиш кунига қадар эгалик қилиш ҳуқуқи белгиланмасдан, мулк сифатида расмийлаштириб берилмагани натижасида ҳарбий хизматчилар сарсон бўлишган.

Самарқанд ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан ушбу ҳолат атрофлича ўрганилиб, 72 нафар ҳарбий хизматчига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида берилган хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини белгилаш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида Самарқанд шаҳар ҳокими номига ахборот хати юборилди. Натижада ҳарбий хизматчиларга Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарори билан 72 та хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқи берилди.



Сўнгги икки йилда Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси эътирофга арзирли ишларни амалга оширди. Тўловларни ўз вақтида ундириш, ноқонуний ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишда МИБ инспекторларининг хизмати алоҳида ўрин тутади.

Бироқ тушунмовчилар туфайли хизмат вазифасини бажараётган инспекторларга қаршилик кўрсатиш, жароҳат етказиш ҳолатлари ҳам учраяптики, бундан дилинг ғашланади.

Масалан, 2019 йилнинг 29 апрель куни МИБ Шаҳрихон тумани бўлими давлат инспектори Иномжон Умирзоқов «Сарой» МФЙда яшовчи Сойибжон Бегматовнинг хонадонига ўрнатилган газ ҳисоблагичини хатловдан ўтказаётган вақтида уй соҳиби маст ҳолатда унга қаршилик кўрсатади. Дўқ уриб, хонадонидан чиқиб кетишини талаб қилади. Бу ҳам етмагандек, И.Умирзоқовни калтаклаб, жароҳат етказади. Натижада давлат инспектори шифохонага ётқизилади.

Мазкур ҳолат юзасидан Шаҳрихон тумани прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди ва дастлабки тергов ҳаракатлари якунланиб, жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон тумани судининг 27 июндаги ҳукмига кўра судланувчи С.Бегматов 10 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Судланувчи қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида беш фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи экани инобатга олиниб, жабрланувчининг розилиги билан 13 август куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг апелляция инстанцияси томонидан С.Бегматовга тайинланган жазо ўзгартирилиб, унга нисбатан икки йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Бу каби жазо чораларининг юмшатилиши фуқароларга қонунни бузган шахсга жазо муқаррар эканини чуқурроқ англатиши керак аслида. Бироқ айримлар буни тўла англаб етмаётган кўринади.

2019 йилнинг 31 июль куни Шаҳрихон туманида МИБ ходимига яна жароҳат етказилди. "Равнақ" МЧЖга қарашли ошхонада МИБ Шаҳрихон тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари И.Даминов овқатланиб ўтирганда ёнига "Бувайдо" МФЙ Ойбек кўчасида яшовчи О.Умаров ҳамда унинг таниши А.Мамажонов келиб, бўлим иш юритувидаги ижро ҳужжати бўйича қарздордан пулни қанча муддатда ундириб беришини сўрашади. Ўзлари кутган жавобни эшитмаган чоғи, ходимни қуракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилиб, нон кесишга мўлжалланган пичоқни стол устидан олиб, И.Даминовнинг биқинига тирашади. Уни ўлдириш билан қўрқитиб, ўзларининг автомашинасига ўтқазиб, Шаҳрихон пахта заводи рўпарасида жойлашган дўкон ёнига олиб келишади ва уриб жароҳат етказишади.

Шунингдек, 2019 йил 15 август куни соат 12:30 ларда МИБ Андижон шаҳар бўлими инспектори А.Мадмаров "Саноат" МФЙ Н.Тожиакбаров кўчасида яшовчи С.Расуловнинг хонадонига боради. У электр энергияси истеъмолидан вужудга келган 647 минг 750 сўм муддати ўтган қарз шу кунга қадар тўланмагани учун хонадон эгаси иштирокида ёғоч нарвонга чиқиб, хонадонга ўрнатилган электр ҳисоблагични тармоқдан ажратиш чорасини кўра бошлайди. Бундан жаҳли чиққан С.Расулов инспекторга эътироз билдириб, уни ҳақорат қилади ва нарвонни тепиб юборади. Натижада инспектор ерга йиқилиб, жароҳатланади.

Ҳозир мазкур ҳолатлар юзасидан терговга қадар текширув олиб борилмоқда. Хулоса шуки, ҳар биримиз фуқаролик масъулиятимизни англаган ҳолда қонунга бўйсунишимиз ва ножўя қилмиш учун жавобгарлик муқаррарлигини тушуниб етмоғимиз керак.

Искандар МАШРАПОВ,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

Эртага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади.

Бу қаро тун аччиқ тўлғонди. Кўк пештоқига илинган ложувард юлдузларга-да дунёнинг бир четида ўлим ва тириклик талошидаги онанинг азобланаётганини кўрсатишдан оғриниб, қора чодрасини осмон узра қуюқроқ ёйди... Тонг бу ниҳоясиз ингранишларга чидолмай, булутлар чокини сўкиб юборди — осмон ҳм-ҳм йиғлади... Қуёш ҳам нола-ю оҳлар оғушидаги онанинг изтиробларини кўтаролмай лов-лов ёниб атрофга олов пуркади... "Жоним бола-а-ам! Тўрт норасидасини чирқиратиб кетган бола-а-ам!!". Ногаҳон эшитилган фарёддан бутун борлиқ оғир-оғир хўрсинди... Афсус...

MULOHAZA

ЯШАСАНГ БЎЛАРДИ, СИНГИЛЖОН!



Муҳаммадихон ЖЎРАЕВ,
Мингбулоқ тумани прокурори

Мавжуданинг умумий амалиёт шифокори Ш.Маҳмудов кўргазмаси: "Жарроҳлик амалиёти чоғида беморнинг ёрилган тана аъзоси яхши тикилмаган. Оқибатда бачадон соҳасига инфекция тушган бўлиши мумкин деган тахминдаман...".

Тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлими анестезиолог-реаниматологи З.Қаршиев кўргазмаси: "Беморнинг операциядан кейинги ҳолати ўрта оғир эди. Дармонсиз, ўтказилаётган кунлик кўриклар натижа бермаётганди. Бемор акушер-гинеколог ёрдамига муҳтож эди. Даволовчи шифокор беморнинг ҳолати билан бирор марта қизиқмаётгани, уни доимий кўрикдан ўтказиб, назоратни кучайтириши, кунлик тавсияларини касаллик тарихига ёзиб бориши лозимлиги, керак бўлса малакали мутахассис жалб этиб, маслаҳат олиш зарурлигини туғруқ комплекси бошлиғи Сарвар Шамсиддиновга бир неча марта айтдим. Аммо...".

Марҳумнинг яқинлари кўрсатмаси: "Мавжуданинг ҳолати яхши эмаслигини била туриб туғруқ комплекси бошлиғи Сарвар Шамсиддинов ҳамда акушер-гинеколог Зулайҳо Наврўзова ўзаро кенгашиб, уни умумий палатага олиб ўтишди...".

Аслида бу Мавжуда Маликова устидан чиқарилган энг ножоиз қарор эди...

2018 йил 11 ноябрь.

Беморнинг ҳолати ёмонлашди. Вилоятдан мутахассис чақирилди. Қайта операция ўтказилди.

Хўш, кечикиб қилинган бу амалиёт самара бердими?! Йўқ!

2018 йил 12 ноябрь.

Бемор ўта дармонсиз, ҳушсиз ҳолда комага тушиб қолди.

2018 йил 20 ноябрь.

Мавжуда Маликованинг юраги уришдан тўхтади...

Афсус! Минг афсус!!

Ўлим билан олишган нигоҳлар "Мен ҳали яшашни истайман!.." дедилар...

Кун, соат сайин юмилиб бораётган қароқлар "Мени қутқаринг, тўрт норасида болам ҳаққи, қутқаринг!.." дедилар...

Сўлиб, қовжираб қолган лаблар сўнгги кучларини йиғиб "Мен кетсам, болаларимнинг ҳоли нима кечади?! Ҳеч бўлмаса, дунёга келиб она сути таъмини туймаган чақалоғим ҳаққи, жонимни сақлаб қолинг!.." дея шивирладилар. Аммо бу оҳларни биров эшитмади...

Она ичкарида ҳаёт учун курашаётганида ташқарида унинг уч полапони шифохона эшигига термулишар, ҳар бир кириб чиқаётган дўхтирлар кўзига илтижо билан боқишарди: "Онамиз соғми ишқилиб?.. Уни асраб қолинг, илтимос! Биз учун, ёлғиз чирқираб қолмаслигимиз учун ёрдам беринг!".

Бу нолаларни тамагир дўхтирлар қаёқданам эшитсин?! Киссасига учтўрт сўм "қистириб қўйганлар"нинг бемори ёнига тилидан бол томиб бир кунда неча бор кириб-чиқиши, жоиз бўлмаса-да, муолажалар буюриши, соғлиғи ҳақида астойдил "қайғуриши" ёлғонми?!

Тўрт етим бўтадек бўзлаб она тобутига эргашганча қолаверди...

Майит кетди. Кўнгил сўраб келиб-кетаётган қадамлар тинди. Ер-кўкни титратган фарёдлар тинди. Фақат энди ҳувиллаб қолган ҳовлида ҳали она ҳидини туйиб-туймаган мурғаккина чақалоқнинг чинқириғи кезарди, холос... Гўё шу митти гўдак мангуга ташлаб кетган онасининг энди қайтиб келмаслигига тоқат қилолмаётгандек чинқирарди...

Изтироб оғушида беихтиёр ўйга ботасан. Шифокор ким ўзи? Нега одамлар бу касб эгаларини эъзозлашади? Нега оппоқ халатларига ҳамма ҳавас билан қарайди?

Шифокор чиндан-да жисму жонимиз посбони. У мана шу шарафли касбга киришган куниёқ инсон учун жон куйдиришга онт ичади. Не-не яшашдан умидини узганларни ҳаётга қайтарган, яшаш бахтини ҳадя этган ҳам у. Шунинг учун уларни ардоқлаймиз, шарафлаймиз.

Бироқ улар орасида садоқатни, масъулиятни, демакки, ичган қасамини унутганлари ҳам бор экан.

Бир инсон тақдири олдида, яна денг, тўрт болали она тақдири олдида лоқайдлик қилган, қасамини унутган шифокорни кечириш мумкинми?! Афсуски, йўқ!

Мазкур фожиа – жиноий ҳолат қонун доирасида кўриб чиқилди. З.Наврўзова лоқайдлиги, махсус қоидаларга мувофиқ беморга ёрдам кўрсатиши шарт бўлгани ҳолда унинг аҳволидан хабар олмагани, бу эҳтиётсизлиги туфайли М.Маликованинг ўлимига сабабчи бўлгани муҳокамалардан ўтди ва жавобгарликка тортилди.

Бироқ у ҳам аёл, у ҳам она... Вояга етмаган фарзанди бор. Шунинг учун бўлса керак, даъвогар тараф оғир айрилиқни қисматга йўйиб, унга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради. Ажаб, З.Наврўзова Мавжуданинг дилбандлари кўзидаги мунгни ўқий олмаган эсада, унинг фарзанди дилидаги хавотирни тўрт етимни қучоқлаб ўтирган ота ҳис этган чиқар шу палла?!

Яна дилни фожиа изтироби доғлайди. Тиғ остидан омон чиққану, аҳволи яхшиланиш ўрнига, кун сайин оғирлашиб бораётган беморининг ҳолидан ўн кунда лоақал бир мартагина хабар олишга ярамаган шифокорни шифокор дейиш мумкинми?!

Ҳали бирортаси ҳаётда ўз йўлини топмаган фарзандларидан кўнгил узолмай, бу ёруғ оламдан кўзи очиқ кетган онанинг ҳолига ачинмаган, ўзининг тамагир қалбидан шу онанинг тирик қолиши учун жонфидоликка жой тополмаган, лоқайд, худбин дояни доя деб аташ мумкинми?

Афсус! Бир она жирканч тамагирлик касрига қолди.

Ахир ҳали яшасанг бўларди, сингилжон!

JARAYON


ЧИҚИНДИДАН ТОПИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

Шерзод ҲАЙИТОВ,
Тошкент ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича изчил сиёсат юритилмоқда. Кўрилган чоралар туфайли айни вақтда республикамизнинг деярли барча ҳудудларидан чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилаяпти. Бу эса экологик хавфсизликни таъминлаб, аҳоли пунктларининг тозалигини сақлашга хизмат қилмоқда. Бироқ мазкур тизимда ҳам айрим шахслар қонунга хилоф иш қилаётган ҳолатлар учраб турибди.

Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда тўпланган чиқиндиларни олиб кетиш уй-жойдан фойдаланиш қисмларига (УЖФҚ) юклатилган бўлиб, бу ишни «Тоза ҳудуд» ва «Махсустранс» давлат унитар корхоналарининг ҳудудий филиаллари шартнома асосида амалга оширмоқда.

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонун ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Унда чиқиндиларни тўплаш, ташиш, бунинг учун бюджет маблағини сарфлаш борасида қатор қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди.



Жумладан, "Махсустранс" ДУК филиалларининг махсус транспортлари томонидан УЖФҚга бириктирилган ҳарбий қисм ва муассасалардан ташилган чиқиндилар ҳажми тўловга тақдим қилинган бир марталик талонларда ошириб қайд қилинган. Яъни талонда кўрсатилган чиқинди аслида ўша автотранспортга юкланса сиғмас экан. Бундай қилмиш натижасида 2018 йил ва 2019 йилнинг 1-ярим йиллигида жами 245 миллион 583 минг сўм пул ортиқча ўтказилиб, бюджет маблағи асоссиз сарфланган аниқланди.

Текшириш жараёнида "Махсустранс" ДУКнинг "Миробод махсустранс" филиалидан 23 миллион 387 минг, "Сергели махсустранс"дан 60 миллион 311 минг, "Мирзоулуғбек махсустранс"дан 38 миллион 556 минг, "Яшнобод махсустранс"дан 11 миллион 157 минг, жами 133 миллион 412 минг сўмлик бюджет маблағи Тошкент УЖФҚ ҳисоб-рақамига қайтарилиши таъминланди.

Пойтахтимизда Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ҳамда Инвестиция ва бизнес форуми бўлиб ўтди.

“Маҳаллада дув-дув гап” фильмини кўрмаган киши бўлмаса керак. Унда шундай саҳна бор: аёли гўё чарчаб келаётган эрининг қўлидан сумкаси, елкасидан кители ва бошидан шляпасини олиб, уни айвонга ўтқизади. Дам ўтмай оёғи тагига тоғорача қўйиб, оёқларини ювгач, юқорига чорлайди. Бу ҳолга кўникиб қолган Арслон эса пинагини ҳам бузмайди. Ҳатто... бир оғиз раҳмат ҳам...



ЭРКАКНИНГ ЎРНИ...

Албатта, бу ўша эркакнинг феълидан келиб чиққан ҳолат. Бизнинг айтмоқчи бўлганимиз эса бошқа нарса.

Сиртдан қараганда, оиланинг “шеф”идек кўринган Ойпошшадек аёл ҳам қай кайфиятда бўлмасин, ўзининг хотинлик бурчини аъло даражада бажариб қўяди. Ҳа, “бу 60-70 йил аввалги кино... Ўшанда шундай олинган-да...” дегувчилар ҳам топилар. Шаксиз! Чунки ўша давр аёллари учун ҳаёт, турмуш тарзида эрнинг ўрни юқори бўлган. Шу боис оиладаги келишмовчиликларга эркак барҳам берган. Сўнгги сўзни у айтган!

Эрининг сўзини икки қилиш у ёқда турсин, юзига тик боқа олмаган аёлга “ажрашаман” деган фикр бутунлай ёт бўлган. Оиланинг қадри баланд, ҳурмати улуғвор бўлган.

— Бугунги кунда эрнинг ҳам кераги бўлмай қолди. Бир-иккита бола туғиб олсанг, қариганингда ўшалар кунингга яраб беради...

— Нимасини айтасан?! “Ундай тур, бундай юрма...”, “Анавини қил, буни қил...”. Ҳаммаси жонга тегади бу эркакларнинг...

Айрим аёлларнинг гоҳи қулоққа чалинадиган бу каби гап-сўзларидан кимдир ёқа ушлайди, кимдир парво ҳам қилмайди.

Тўғри, масалага шу аёллар кўзи билан боқсак, улар “эркинлик” сари интилаётган чиқар. Аммо бир нарсани унутишга ҳаққимиз йўқки, фарзандлар тарбияси ҳам отасиз шунга яраша “эркин” бўлади. Оилага, жуфти ҳалолига содиқликни, унинг хизматини қилишни оғир билган аёлга эртага шу фарзандлари хиёнат қилмайди деб ким кафолат бера олади?

Дарҳақиқат, бола тарбиясида отанинг ўрни беқиёс. Ота тарбиясини кўрмаган бола жилови бўш от мисол. Қачон хоҳласа, жиловини узиб кетиши мумкин. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчиси эса — борди-ю ақлҳушли фарзанд бўлиб ўсганида ҳам орзу-ҳавасли жойлари борки, отасиз ҳаётнинг ўша жойлари татимайди. Бола ўксинади. Отаси тирик бўла туриб унинг меҳрига зорлигидан ўкинади.

Халқда “Тўрт кўз туғаллик билан саодатга етказсин” деган гап бор. Хўш, бу нима дегани?! “Тўрт кўз”, яъни икки жуфт кўз. Бу эрхотин, ота-она кўзига ишора эмасми?! Демак, саодат уларнинг бирлигида экан-да?!

Чиндан ҳам рўзғорда бироз етишмовчилик бўлса ёки бошқа бир чигаллик туфайли ўртада низо чиқади. Бундай кезларда аёлнинг ақли расолиги, кези келганда эрнинг жаҳлига мулойимлик билан жавоб қилишга ўзида куч топиши оилани доимо фароғатга чорлайди. Арзимаган можароларни рўкач қилиб, ажрашишга шошган аёл барибир бунинг жабрини тортишини ҳаётда кўп кўрганмиз.

СЕН ЭМАС, СИЗ ДЕСАК...

Бу мулоҳазаларни қачонлардир қоралаб қўйган эканман. Мавриди келганди, яна эсладим.

Туманлардан биридамиз. Ажрашиш арафасидаги икки-уч оилани яраштириш ниятидаги гуруҳга ҳамроҳлик қилишимга тўғри келди. Асаблар тоза таранглашди. Кечагина сипо бўлиб ўтирган келинларнинг оғзидан чиқаётган гап-сўз, катталарга нисбатан беписандлик, қудаандаларнинг бир-бирини ҳақоратлаши дилларни доғлади. Қайтаётиб бир отахон билан гурунглашиб қолдим. Эгнида оҳорли, дазмолланган яктак (одатда ёши улуғ отахонларни кир кийимда учратаверганимдан у кишига алоҳида эътибор қаратувдим ўшанда). Соқоли чиройли кузалган. Юзидан нур ёғилади. Гап айланиб ўша сонияларда меъдамга уриб бўлган қайнона ва келин муносабатига тақалгач, ота гап бошлади.

— Менинг тилла келиним бор. Саломат — келинларнинг каттаси. Бундан йигирма йил аввал оиламизга тушган. Илиқ муомаласи, ширин таомлари ўз йўлига-ю, оиламиз шаъни, фаровонлиги учун жон куйдириши алоҳида таҳсинга лойиқ.

У келин бўлиб тушганида биз ёш эдик. Аёлим баъзан дилини ранжитса-да, у миқ этмас, бировга нолимас, яна жилмайиб айтганини қилиб кетаверарди. Кейинги фарзандларимни ўқитиш, уйлантириш, узатиш ташвиши бошланганда ҳам ўғлим билан бирдай ёнимизда турди. Аммо... Афсуски, худо уни фарзанддан қисди. Биз оиламизни тарк этишини асло хоҳламасдик. Лекин қариндошуруғ унда-бунда гап қилишар, хотиним билан мени ўғли зурриёдсиз ўтаётганини ўйлашмаяпти деб айблашарди. Бу гаплар албатта аёлимга ҳам таъсир қилмай қолмасди. Баъзан фаъли ўзгариб, ўғлимизни хотинидан ажрашишга ундамоқчи бўларди. Лекин ўғлим “фарзандсиз ўтсам ўтаманки, хотинимдан ажрашмайман” дерди.

Тақдирни қарангки, иккинчи қизим туғиш жараёнида вафот этди. Фарзанд доғи мени ҳам, аёлимни ҳам эгиб қўйди. Бир ўғил, бир қизини куёвим бизга ташлаб, тезда уйланиб олди.

Келиним бутун вужуди билан икки болани бағрига олди. Аллоҳнинг иродасими, янги чақалоқни қучоқлаб, аллалаб ўтирса, кўкрагига сут келибди. Мана, ўша чақалоқ бу йил ўн тўртга киради. Катта қизини узатдик.

Хотиним ҳар гал келинга “Сиз менинг қизимсиз. Мендан кейин оиламизнинг барча йўл-йўриғини сиз бошқарасиз. Фарзандларингизнинг роҳатини кўринг” дерди.

Ўтган йили қайтиш қилди раҳматли. Шундан бери Саломат иссиқ-совуғимдан доим хабардор. Мен уни аёл эмас, фаришта деб ўйлайман.

Отахоннинг ҳикоясидан жуда таъсирландим. “Қандай бағрикенг аёлларимиз бор-а?!” дея ҳавас қилдим. Икки-уч кундан сўнг эса...

Бекатда икки дугона бор овозда суҳбатлашаяпти.

— Кеча сериал кўраман деб овқатим эсимдан чиқиб кетибди. Ўлгур тагига олиб, кўмирга айланибди ҳамки, ҳидини сезмабман... Эрим бир нима демади-ю, тумтайиб ётиб олди. Қайнонам ҳам келиб қозоннинг ахволини кўрди-ю, ҳеч нима демади. “Э-э, оч қолсанг, менга нима?!” дедиму, ўзим иккита тухумни қовуриб еб олдим... Уларни чақиргим келмади...

— Вой, боплабсан! Кеча мен ҳам эримнинг танобини тортиб қўйдим. Ўртоғининг туғилган кунидан кайфияти чоғ келди. Уйларни йиғиштиришга вақт тополмагандим. Шуни баҳона қилиб ўзича нималардир деган бўлди. Кейин “Чарчадим, пича дам оламан” деб энди диванга чўзилувди, “Ойим қилган мебелга ётишни биласиз, қизи ёмон бўлдими?!” дедим. Рост-да, менсиз туғилган кунга борди, индамадим. Энди яна менинг ишларимдан кир қидиришга бало борми?! Гапим нафсониятига тегиб кетдими, хўмрайганча полга кўрпача солиб ётиб олди. Эрталаб нонушта ҳам қилмай ишга жўнаворибди. Зарда қилсанг ўзингга! Тўғрими?!

Бу суҳбатни эшитганлар ҳар икки жувонга ғалати қараб қўйиб, нари кетишди. Мени эса хаёл оғушига тортди. Кўнгилни бундай чилпарчин қилишларнинг қайтими қандай бўларкин-а ҳали?! Ботган кун-ку, қайтиб чиқар-а... Аммо бахт қуёшингиз қайтиб чарақлармикан?!

Эрининг сўзини икки қилиш у ёқда турсин, юзига тик боқа олмаган аёлга "ажрашаман" деган фикр бутунлай ёт бўлган.

Кеча ўзи ва онаси оч ётиб қолганидан ори келган эрингиз бугун тўртта кабобни нон орасига солиб келиб, онаси билан еб ўтирса-ю, сизга кел демаса, аҳволингиз нима кечади?! Бошқа вақтлар эрингиз нарса келтирса, нақ байрам бўлиб кетарди, а? Қайнонангиз олдига дастурхон ёзиб, иссиқ чой дамлардингиз. “Олинг-олинг” қилиб ўтирардингиз. Энди бундай бўлмаса керак... Негаки, кеча оилангиздагиларни писанд қилмай қўйганингизни ошкор этдингиз. Бундан уялиш ўрнига дугонангизга мақтанаяпсиз. Эрингизни, қайнонангизни орқасидан бўлса-да сенлаяпсиз. Дилингизда уларга ҳурмат йўқ, меҳр йўқ. Чамаси, қозоннинг кўмирга айланиши ҳам биринчи марта эмас чоғи... Ана шундай иккинчи, учинчилар сизни бу уйга омонат қилиб қўймасайди деган ҳадигим бор...

Хато қилганингиздан уялиб, “Вой, ойижон, шундай бўлиб қолибди. Яхшики, дадам йўқ. Бўлмаса, уятдан бошимни қандай кўтариб юрардим?!” деганингизда уни ўзингизга яқин олаётганингизни, ундан паноҳ излаётганингизни, уйдаги эркакларнинг ҳурматини жойига қўяётганингизни кўрсатардингиз холос. Сиздаги самимият қайнонага кўчиб, ёнингизга тушиб тезда бошқа овқат тадоригини кўрармиди?! Бўлган воқеа эркакларга сездирилмай, орангизда сир бўлиб қоларди эҳтимол. Қайнона-келинни ана шу нарсалар бир-бирига яқин қилади билсангиз! Сиз эса у билан ўртангизда жар пайдо қилдингиз.

Дугонангиз ҳам аллақачон шу “мартаба”га эришган кўринади. Ишқилиб, эри кечқурун уйига қайтсин-да...

СИТАМЛАР ИСЁНИ

Мана бу манзара энди бутунлай бошқа...

Бошда ҳам оила — муқаддас маскан дедик. Бунда аёлнинг ўрни ўзгача эканини таъкидладик. Аммо... аёл уйим-жойим — Овозингни ўчир, ифлос! Қоронғи тушсин ҳали, аъзойи-баданингни бурда-бурда қилмасам!.. — Мадамин шундай деганча кўчага чиқиб кетди.

Гулчеҳра оёқларини зўрға судраб айвон четига ўтирди. Ҳаёти муттасил давом этаётган изтироблар алангасида қовурилиб ўтаётганини ўйлаб юм-юм йиғлади. Ора-сира бахтли кунларини эслаб энтикиб-энтикиб ҳам қўйди...

“Энди нима қиламан? — ўйланарди аёл. — Кечқурун келса, қўлидан соғ чиқмаслигим аниқ... Қаерга қочай? Кимдан паноҳ истаб ёлворай?! Йўқ, бу рўзғор рўзғор бўлмайди! Яхшиси, ажрашаман... Ҳозир болаларимни олиб ойимникига кетаман-да, бор гапни айтаман. Ўша ерда бир қарорга келармиз...”.

Мадамин кайфи тароқ уйига келса, хотини йўқ. Сўка-сўка ухлаб қолди. Эртасига эса куни билан боши оғриб, кўчага чиқолмади. На биров ҳолидан хабар олди, на биров оғзига овқат тутди.

“Ҳали кўрсатиб қўяман унга!

Нилуфар НИЁЗОВА,
«Huquq»

Уйига бориб, сочидан судраб олиб келаман. Келса, шундай хумордан чиқиб дўппослайманки, уйдан чиқолмайдиган бўлиб қолади!”.

Шу хаёл билан қайнонасиникига жўнади. Дарвозадаёқ унга пешвоз чиққан қайнукаси Одилжон опаси уйда йўқлигини айтганди, бирдан жаҳл отига минди. Гўё барига шу қайнукаси айбдордек, уни ерга йиқитиб, дўппослай кетди.

Шовқин-суронга уйдагилар югуриб чиқишди. Қанчалик уринишмасин, Одилжонни Мадаминнинг чангалидан ажратиб ололмасдилар. Шу можаро устига Гулчеҳра ишдан қайтиб қолди. Манзарани кўрди-ю, дод солиб ўзини эрининг устига отди:

— Ўзимни уриб-хўрлаганингиз камми?! Нега укамни урасиз? Қочинг, ўзи яқинда операция бўлган у. Ўлдириб қўясиз!

У ҳарчанд ҳаракат қилмасин, тобора ваҳшийлашиб бораётган эрига кучи етмасди. Нима қиларини билмай, сал нарида турган арматурага кўзи тушиб қолди. Жон ҳолатда уни олди-ю, эрининг дуч келган ерига ураверди, ураверди...

Ҳадемай кун ботади. У ўрнидан турди-ю, қонли қўллари билан ҳовли ўртасига юрди. Бахтга қарши оиладагилар ҳам карахт, унга бир сўз айтишга ҳам тиллари айланмасди. Ерга ўтириб қолган онасигина “Нима қилиб қўйдинг?..” дея олди зўрға пичирлаб...

Қонли қўлларига кўзи тушдию беҳуш ерга йиқилди...

Бу фожиа шундоққина ёнгинамизда рўй берди.

Дарвоқе, эркакни улуғлаш ҳақида гап борар экан, танганинг иккинчи томони — шундай ҳолатлар ҳам борлигини эсга олгим келди.

Эркакларнинг аёлларни хўрлаши, уларга ожизлигини пеш қилиб муомала қилиши бизнинг ўзбекона қадриятларимизга ёт аслида. Инсон аввало ҳаётнинг ўткинчи эканини ҳис этмоғи лозим. Одамлар бир-бирининг қадрига етмас экан, ўзгаларнинг уволига қолиши аниқ. Ўртада болаларнинг шумшайиб, жовдираб қолиши ундан-да аянчли!

Хитойнинг «Panjin Jijia Ecological Board Industry Co., Ltd» компанияси Мўйноқда қамишдан ДСП ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

MULOHAZA



ОИЛАДАН МЕҲР ҚОЧСА...

Муслимбекдан бахтли инсон йўқ. Чунки бундан бир неча ой олдин... Отаси билан онаси бир-бирига қаттиқ-қаттиқ бақириб уришишди. Бир чеккада уларни кузатиб турган Муслимбек отаси эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетганида қўрққанидан йиғлаб юборди. Укасини бағрига босганча ўкириб йиғлаётган онаси унга қарамади ҳам. Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолган Муслимбек кўзини очганида бувисининг олдида ётганини кўрди... Орадан кунлар ўтса-да, соғинч дилини тилкалайверди. Ахир ҳар куни кечқурун у отаси билан от-от ўйнашарди. Отаси от каби кишнайман деганда елкасига чунонам маҳкам ёпишиб олардики, бу лаҳзалар ҳатто тушларига ҳам кириб чиқади. Наҳотки энди отаси келмаса...


FAOLIYAT

НАҲОТКИ БИЗ БИРГАМИЗ!

Шоҳиста БОЗОРБОЕВА,
МИБ Сирдарё вилояти бошқармаси катта инспектори

Бир куни онаси билан бирга баланд бинога бориб, қоғозларга бир нималарни ёзиб келишди. Кейин чиройли бир опа уларни яна хонасига чақирди. Онаси йиғлаб унга бир нималарни тушунтирди. Қизиқ, онаси йиғлаб турса, ҳалиги чиройли опа кулиб турса. Жаҳли чиқиб кетиб, қўлчаларини мушт қилиб олди. Шунда эшик очилиб, отаси кириб келса денг. Отаси кела солиб уни бағрига олди. Наҳотки бу отажони бўлса! Муслимбек отасини қучоқлаб олганча ҳеч ҳам қўйиб юборгиси келмаяпти. Отаси унга "Болам, энди бирга яшаймиз. Сизларни олиб кетишга келдим" деди.

"Оҳ, бу сўзларни эшитиш... Мурғак қалб нимани тушунади дейишади. Биз катталардан кўра меҳр, ота-она меҳри нима эканини жуда яхши тушунамиз. Билсам, чиройли опа МИБда ишларкан. Оиламизни яраштириш учун ҳаракат қилибди. Мен эса онажоним йиғласа кулаяпти деб ундан хафа бўлибман. Аслида опа отамнинг келишини билган экан-да. Пул тўламаса газ, светни ўчирадиган МИБ оталарни уйга қайтараркан, болаларинг билан яшанглар, уларга конфет, шоколад, велосипед олиб берингларкан дейишаркан. Мен албатта катта бўлсам МИБчи бўламан. Ҳа айтмоқчи, онажоним қўл қўйган қоғозни сизларга кўрсатаяпман. Ўзингиз ўқиб олинг. "Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди қарорига асосан О.Ш.дан М.Ш.га даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати ундирувчининг аризасига асосан ...қонуннинг 40-моддаси 1-бандига кўра (бюронинг Гулистон шаҳар бўлими давлат ижрочиси Феруза Юсупованинг саъй-ҳаракатлари сабабли) оила ярашгани учун тамомланди".



MUNOSABAT

УЧ ОҒАЙНИ БОТИР, ИЧИБ, ДУМАЛАБ ЁТИР

Шаробхўрлик, гиёҳвандлик, бекорчиликнинг оқибати яхши бўлмайди. Бу ҳаётда бир неча марта ўз исботини топган аччиқ ҳақиқат.

Парахат ҲАБИБУЛЛАЕВ,
"Huquq"

2017 йил 17 ноябрь. Қорақалпоғистон туманларининг биридаги мудҳиш жиноят ҳам айнан тартибсиз ҳаётни афзал билган кишилар ўртасида содир этилган эди.

Саидбек Нодиров (исм-фамилиялар ўзгартирилди) отасидан қолган уйда ёлғиз яшарди. Чунки у бир неча йил илгари оиласида келиб чиққан келишмовчилик туфайли турмуш ўртоғи билан ажрашган эди. Саидбек шундан сўнг оила қурмади. Меҳнатга лаёқатли бўлишига қарамасдан бирон жойга ишга жойлашишни ҳам хоҳламади.

Ўша мудҳиш жиноят содир этиладиган куни Саидбек тўйдан қайтаётиб, йўлда таниши Руфатни учратди. Саломлашди, сўрашди. Сўнг иккови яқин атрофдаги ошхоналарнинг бирига бориб, спиртли ичимлик ичишди. Вақт аллақаҳал бўлгандагина кайфи ошган йигитлар уйларига тарқалишди.

Саидбек уйига келганидан сўнг дамини олса ҳам бўлади. Лекин у уйига сиғмади. Ёлғизликдан зерикиб, кўчага чиқди. Кўчада яна бир таниши Эргашни учратди...

"Ўхшатмасдан учратмас" деганларидек, Саидбек энди Эргаш билан бирга Дониёр исмли қўшнисиникига борди ва яна спиртли ичимлик ичишди. Буни қарангки, орадан бироз вақт ўтиб, даврага танишлари Озод ҳам қўшилди.

Хуллас, яшаш тарзи бир-бириникига икки томчи сувдай ўхшаш йигитларнинг ўтириши аллақаҳалгача давом этди. Охирида улар ўтирган жойларида ухлаб қолишди...

Дониёр ярим кечаси уйғониб, тентираганча чироқни ёқди. Атрофига назар ташлаб, ўртоқларининг бетартиб ётишларини кузатди. Ана шу маҳал унинг хаёли бузилиб, ухлаб ётган Саидбекнинг ёнига келди ва унга тегажоғлик қила бошлади. Саидбек қанчалик маст бўлмасин, ўзига нисбатан қилинаётган ҳаракатлар уни уйғонишга мажбур қилганди. У ўртоғининг ғалати ҳаракатларидан ҳайратга тушиб, жаҳл билан унинг жағига мушт туширди. Табиийки, жанжал юзага келди. Бу орада Дониёр Саидбекнинг турмуши бузилгани ва ёлғизлигини такрор-такрор юзига солар, уни уйғонишга мажбур қилганди. У ўртоғининг ғалати ҳаракатларидан ҳайратга тушиб, жаҳл билан унинг жағига мушт туширди. Табиийки, жанжал юзага келди. Бу орада Дониёр Саидбекнинг турмуши бузилгани ва ёлғизлигини такрор-такрор юзига солар, Саидбекнинг эса бундан баттар жаҳли чиқиб, уни уриб-тепишда давом этарди. Хуллас, бўлиб ўтган воқеадан кейин ваҳший бир махлуқ тусига кирган Саидбекни энди тўхтатиб бўлмасди. У дастлаб қўлига темир капкир, пичоқ, болта олиб, Дониёрнинг юзи ва бошига бир неча марта урди. Уни ўлдириб қўйиб ҳам тинчимади. Унинг баъзи аъзоларини кесиб олиб, ваҳшиёна ҳаракатларини давом эттирди...

Шундай қилиб, ичкилик, бекорчилик ва уятсизликдан бошланган жанжал жиноят билан тугади. Саидбек Нодиров воқеа содир бўлган куннинг эртасига қўлга олиниб, ўз қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди. Яъни, суд ҳукмига кўра узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Алишер НУРАЛИЕВ,
Булоқбоши тумани прокурорининг ўринбосари

Уларнинг турмуши совуган ошга ўхшар, эр-хотиннинг бир-бирини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди. Оила қурганларида эр гапирарди, хотин тингларди. Кейин хотин гапирадиган, эр тинглайдиган бўлди. Энди эса иккаласи баравар гапиради, қўшнилар тинглайди...

Оила дегани эр-хотиннинг бир мақсад сари интилиши, рўзғор деб аталмиш зил-замбил аравани биргаликда тортиши демакдир. Аммо...

Аммо Назиржон ва Адолат (исм-фамилиялар ўзгартирилган) икки болали бўлишсада бир мақсад сари интилишмади. Рўзғор аравасини ҳар қайси ҳар томонга тортди, ўрнидан жилдиромади. Эр-хотинда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тотувлик етишмади.

Оиланинг бошига тушган кўнгилсизликларга ҳам айнан шу — аҳилликнинг йўқлиги сабаб бўлди.

Назиржон асли олий маълумотли, тумандаги ташкилотлардан бирида ишларди. Кунларнинг бирида у ишдан қайтгач, хотинига маслаҳат солди.

— Таниш-билишлар кредит олиб, бир нималарни ташкил этишаяпти, — деди у хотинига. — Банк билан гаплашиб келдим, биз ҳам оламиз. Фақат сенинг номингга...

— Нега энди менинг?! — бирдан ранги ўзгарди Адолатнинг. — Менинг номимга олинмайди ҳеч қанақа пул. Кўраяпман кредит олиб бойиб кетганларни... Топганини банкка ташиб ётишибди, фойда ҳам кўришгани йўқ... Бошимга бир ғалвани илиб қўймоқчимисиз?! Ана, жуда хоҳлаётган бўлсангиз, ўзингизнинг номингизга олаверинг!

— Эсинг жойидами?! — тутақиб кетди Назиржон. — Ишлаётган бўлсам... Имтиёзли кредит беришармиди менга?! Фозизи жуда оз экан. Қорамол олиб боқсанг ҳам бир йилда қанча фойда оласан!.. Оиламизни, болаларни ўйлаб шу ишни қилаяпман ахир!

— Йўқ дедимми, йўқ! — Адолат "Эрим ҳар не бўлса шу оилам учун деб ҳаракат қилаяпти-ку?!" дея ўйлаб ҳам кўрмай оёқ тираб туриб олди. — Айтдим-ку, менинг номимга олмайсиз. Олсангиз, ўзингиз олаверинг!

Хуллас, икки ўртада жанжал чиқди. Бир неча кундан буён ўйлаб юрган режаси пучга чиққани, боз устига хотинининг бир гапдан қолмай, тинмай гап қайтараверіши, ҳатто ундан устун келишга интилаётгани Назиржонни қуюшқондан чиқарди. Жаҳл билан Адолатнинг орқасига тепиб юборди.

Шифохонага кетишаётганда эр хотинига "Йиқилиб тушдим дейсан дўхтирларга!.." дея дўқ урди.

Аёл буни кутмаган эканми ё зарба чиндан ҳам қаттиқмиди, ерга ўтириб қолди-ю, оғриққа чидай олмай додлаб юборди.

— Белим!.. Вой белим... Белим синди!..

Назиржон аввалига додлаётган хотинини яна уришга шайланди. Бироқ Адолатнинг додфарёд билан гилам устида тўлғонаётганини кўриб шошитидан қайтди-ю, сўкинганича кўчага чиқиб кетди.

Анча вақт жаҳл билан уйига кирмади. Қайтиб келганида эса Адолат ҳамон оғриқ зўридан тўлғонарди. Шундагина жароҳат олгани чинлигига ишонди-ю, шифохонага боришди. "Йиқилиб тушдим дейсан дўхтирларга!.." дея дўқ уришни ҳам унутмади.

Оғриқдан азоб чекаётган Адолат дастлаб ўзини назоратдан ўтказаётган шифокорларга эри урганини айтиб, аламидан чиқмоқчи бўлди. Чунки унга жиддий жароҳат олганини, зудлик билан даволанмаса бўлмаслигини айтишганди. Бироқ шифокорларнинг хабари билан келган ИИБ ходимларидан ҳақиқатни яширди. Эри қамалиб кетишидан қўрқиб, "Ўзим йиқилиб тушдим" деб туриб олди.

Назиржон хотинининг "сотиб қўймагани"дан таъсирландими ёки инсофга келдими, Адолатни даволатиш учун елиб-югурди, дўхтирларга қаратди. Аммо у ҳадеганда тузалиб кетавермагач, эр-хотиннинг шундоқ ҳам яхши бўлмаган муносабатлари баттар ёмонлашди. Охири Назиржон Адолатни уйдан ҳайдаб солди.

Адолатнинг оила аъзолари куёв бир кун инсофга келар, хотинини олиб кетар деб бешолти ой кутишди, аммо ундан дарак бўлмади. Ниҳоят, сабр косаси тўлган жувон эридан ортиқ умид йўқлигини англаб, ариза билан ИИБга мурожаат этди.

Суд бўлиб ўтди. Назиржон жазога тортилди. Шунингдек, ундан жабрланувчи фойдасига 4 миллион 374 минг 322 сўм моддий ва 2 миллион сўм маънавий зарар ундириш ҳам белгиланди.

Бундай оқибатдан Яратганнинг ўзи асрасин. Ҳар бир хонадондан меҳр-оқибат кўтарилмасин. Эр-хотин бир-бирига талпиниб яшасин, фарзандлари улар атрофида парвона бўлсин.

Тошкент метрополитенининг барча станцияларида Wi-Fi тармоғига кириш имкони пайдо бўлди.

FAOLIYATIDAN

Мамлакатимизда аҳоли сони ошиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Мазкур жараёнда хавфсизлик масаласи ўзига хос аҳамиятга эга.

ИСТЕЪМОЛГА ЯРОҚСИЗ ГЎШТ

Муҳаммад РАЖАБОВ,
Департаментнинг Шайхонтоҳур тумани бўлими катта инспектори

"Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида озиқ-овқатларни сақлайдиган ва ташийдиган юридик ва жисмоний шахслар озиқ-овқатнинг сифати сақланиши ва хавфсизлигини таъминлаши шартлари белгилаб қўйилган. Бироқ орамизда аҳоли саломатлигидан кўра ўзининг нафсини ўйлайдиган кимсалар ҳали ҳам учраб турибди...

2019 йил 31 май куни департаментнинг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани бўлими ходимлари ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ЖТСБ ва Шайхонтоҳур тумани давлат ветеринария ходимлари ҳамкорлигида "Эскижўва деҳқон бозори" АЖ ҳудудида текширув ўтказилди. Текширувда фуқаро Бекмурод Турдиев (исм-фамилияси ўзгартирилган) хавфсизлик талабига жавоб бермайдиган гўштни ҳеч бир ҳужжатсиз сотаётгани аниқланди. Ундан истеъмолга яроқсиз 38 кг. гўшт холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинди.

Бозор лабораториясининг хулосасида Бекмурод Турдиевдан олинган гўшт инсон саломатлигига хавф туғдириши тасдиқланди. "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасига асосан 38 кг. гўшт далолатнома асосида Тошкент шаҳар ИИББнинг кинология хизмати питомнигига утилизация учун топширилди.

Суд Бекмурод Турдиевга иш ҳақининг 10 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ҒОВ

Дилрабо ҚУРЯЗОВА,
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

Урганч шаҳрида Ўзбекистон журналистларни қайта тайёрлаш маркази "Коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг роли" мавзусидаги лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида семинар-тренинг ўтказди. Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси молиявий кўмагида амалга ошираётган мазкур лойиҳа доирасида журналистлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ахборот хизмати мутахассислари иштирок этди.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш ҳар бир давлатда долзарб аҳамиятга эга. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш муҳим жараён бўлиб, бундаги асосий вазифалардан бири коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик ҳамда унга қарши самарали курашишдан иборат.

Албатта, коррупция шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солади. Унинг авж олиши нафақат давлат манфаатларига зарар етказади, шу билан бирга жамиятда, аҳоли орасида норозилик юзага келишига сабаб бўлади.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бу иллатга бутунлай барҳам бериш йўлида давлат, жамият ва оммавий ахборот воситаларининг саъй-ҳаракатларини уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунда оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши, яъни аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

— Лойиҳанинг мақсади оммавий ахборот воситалари вакилларининг коррупция ҳолатларини ёритиш салоҳиятини оширишга ҳамда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган. Семинар-тренингда коррупцияга оид таҳлилий, журналистик суриштирув материалларини тайёрлаш, очиқ маълумотлар базалари билан ишлаш, маълумотларни текшириш мавзуларида машғулотлар ташкил этилди, — дейди Журналистларни қайта тайёрлаш маркази медиатренери, журналист Нозима Тошпўлатова.

Коррупция билан боғлиқ ўттиздан ортиқ жиноят иши қўзғатилган.

Лойиҳа доирасида, шунингдек, журналистлар ўртасида коррупцияга қарши энг яхши материаллар танлови ташкил этилгани айтилди ва ОАВ вакиллари ушбу танловда фаол иштирок этишга чақирилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, коррупцияга қарши курашишда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, коррупция, фирибгарлик, порахўрликнинг олдини олиш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар марказий ва маҳаллий ОАВ орқали кенг ёритилиб, коррупциянинг салбий оқибатлари акс этган видеороликлар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда. Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан 2019 йилнинг ўтган даврида ўттиздан ортиқ жиноят иши қўзғатилган.

Бир сўз билан айтганда, ҳар кимда ушбу иллатга қарши қатъий фуқаролик позицияси шаклланиши зарур.



ПУЛ ҲАМ КЕТДИ, ОБРЎ ҲАМ...

Жўрабек АКРАМОВ,
Департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси катта инспектори

Ўзбекистон Президентининг валюта сиёсатини либераллаштиришга доир фармони мазмун-моҳиятини тушуниб туриб ҳам қонун бузилишига йўл қўяётганлар учраб турибди.

Жондор тумани Истиқлол кўчасида жойлашган дўконида савдо қилувчи Аминжон Шарипов тадбиркорликда анча тажриба тўплади. Асосийси, дўконда доллар савдосини ҳам амаллаб йўлга қўйиб олди.

Дўконга кириб келган бегона киши ўзини Файзулло деб таништирди. АҚШ долларини сўмга айирбошлаши лозимлигини айтиб қолди. Бу ҳолатга умуман ажабланмаган Аминжон Шарипов ҳеч нарсадан ҳадиксирамай 2500 АҚШ долларини 21 миллион 300 минг сўмга сотган вақтда қўлга олинди.

Валютафуруш қонун олдида жавоб берди. Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида жарима жазосига тортилиб, 21 миллион 300 минг сўм пули давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Косон тумани "Янгиобод" МФЙда яшовчи И.А.га тегишли "Чорвадор мустақил" фермер хўжалиги аллақачон тугатиб юборилган эди. Бироқ собиқ фермер энди бутунлай йўқ бўлган ана шу хўжаликнинг ҳеч нарсага арзимайдиган муҳри орқали ҳам пул ишлаб олмоқчи бўлди. Қандай қилиб дейсизми?



ЭСКИ МУҲРНИНГ «СЕҲРИ»

Бахриддин НАРЗУЛЛАЕВ,
Департаментнинг Косон тумани бўлими бошлиғи

И.А. пенсияга чиқмоқчи бўлган Қ.Ш.нинг меҳнат дафтарчасига унинг "Чорвадор мустақил" фермер хўжалигида 1994 йилнинг 5 январидан 2018 йилнинг 30 апрелига қадар ишчи бўлиб ишлагани ҳақида ёзиб, муҳр босиб берди. Албатта текинга эмас...

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг Косон тумани бўлими ўтказган тезкор тадбирда собиқ фермер Қ.Ш.дан "ҳожатбарорлиги" эвазига 4 миллион сўм олаётган пайтида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Косон тумани судининг ҳукмига кўра И.А.га қилмишига яраша жазо тайинланди.

JINOYAT VA JAZO

БАҲОНА-Ю ПУШАЙМОНЛИКДАН КИМГА НАФ?

Асад ЧЎЛЛИЕВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Бундай воқеалар ҳақида кўп эшитгансиз. Ҳайдовчи эҳтиётсизлик оқибатида пиёдани уриб юборади. Аммо машинани тўхтатиб, жабрланувчига ёрдам бериш ўрнига газни босиб, қочиб қолишга ҳаракат қилади. Кейин қонундан қочишнинг имкони йўқлигини тушуниб, ички ишлар идорасига бўйин эгиб боради. "Нега бундай қилдингиз?" деган саволга эса "Қўрқиб кетдим, шошиб қолдим" деб жавоб беради. Бундайлар бу ҳаракатлари билан аввало жабрланувчиларнинг аҳволини оғирлаштиради, қолаверса, ўзларига ҳам жабр қилганларини сезмай қолади...

Азиз Омонов 1998 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз. Қарши шаҳрида яшайди.

У отасининг "Nexia"сини ишончнома орқали бошқарарди. Ўша куни ҳам оқшомга яқин шаҳардаги "Олтин воҳа" меҳмонхонаси рўпарасидаги пиёдалар йўлакчасидан ўтаётган кишини жуда кеч кўриб қолди. Тезлиги анча баландлиги туфайли пиёдани уриб юборди...

Азиз пиёда машинанинг олд ойнасига урилганини, қўлидаги лаш-лушлари сочилиб кетганини кўрди. Даҳшатга тушиб тўхташ ўрнига тезликни яна оширганини ҳам сезмай қолди.

Шаҳар кўчаларида машинани боши оққан томонга ҳайдар экан, хаёлида фақат битта фикр чарх урарди: "Мен одам уриб юбордим... Қочиш керак!".

Қарши дон қабул қилиш маскани ёнидаги хилват кўчалардан бирида машинани тўхтатди. Анча пайт карахт ҳолда ўтирди. Машинанинг давлат рақамини узиб олиб ташландиқ жойга улоқтирди. Машина ичидаги ҳужжатларни ҳам олиб кетди...

Анча вақт ўтганидан кейингина нима қилиб қўйганини, жавобгарликдан қочиб қутула олмаслигини англаб етди. Ичини ит тирнагандек бўлиб, минг бир надомат билан Қарши шаҳар ички ишлар бўлимига борди ва айбига иқрор бўлди.

Азиз Омоновнинг мазкур жиноят иши жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида кўрилди. Маълум бўлишича, жабрланувчи, муқим турар жойга эга бўлмаган Андрей Степанов ҳодисада қаттиқ жароҳат олиб, вафот этган. Судланувчининг жинояти ўз иқтидоридан ташқари бошқа бир қатор далиллар билан ҳам исботини топди.

Суд ҳукмига кўра Азиз Омонов Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан икки йил муддатга барча турдаги транспортларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинди ва энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима тўлайдиган бўлди. Жарима давлат фойдасига ундирилди.

Аксарият кишилар фавқулодда ҳолатларда, саноқли дақиқалар ва сонияларда энг тўғри қарорга кела олмай адашади. Бундай пайтда, шубҳасиз, биттагина йўл бор – виждон амрига қулоқ солиш! Акс ҳолда "қўрқиб кетдим... шошиб қолдим..." деган баҳоналардан ҳеч кимга наф йўқ. Афсуски, Азиз буни жуда кеч тушуниб етди...

Ўзбекистонда ҳолливуд актёрлари иштирокида бюджети 20 миллион доллар бўлган тарихий сериал суратга олинади.



ШАНТАЖЧИ ОТА

Аброр ХИДИРОВ,
Нишон тумани прокурорининг ўринбосари

— “Тез ёрдам”ни чақиринглар! Тезроқ, одам ўлаяпти!

Меҳмонхона ходимлари ярим тундаги бу чинқириқдан бир зум довдираб қолишди. Сўнг бирови телефонга ёпишди. Бошқалари овоз келган иккинчи қаватга югуришди ва даҳшатли манзаранинг устидан чиқишди. Дахлизда, хоналардан бирининг эшиги олдида белига сочиқ боғлаган, бўйни ва қорни қонга беланган ярим яланғоч бир эркак дод солар, тақирбош, соқолли шериги эса унинг жароҳатларидан тирқираб чиқаётган қонни тўхтатишга уринарди. Соқолли киши меҳмонхона маъмурига уларнинг яна бир шериги бўлган аёлни кўрсатиб, негадир “уни йўқотинглар” деб буюрди...

Гулсевар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) биринчи турмушидан ёлчимади. Эри Омон ичкиликка ружу қўйгач, муносабатлар дарз кетди. Ўртада икки ўғил, бир қиз борлигига қарамасдан аёл эри билан бирга яшамай қўйди. Отасига тегишли чойхонага иш юритувчи бўлиб ишга кирди.

Кунлардан бирида чойхонада ўтирганида бир киши келиб, таом буюрди. Гулсеварнинг ўзи унга хизмат қилди. Эркак унга гап ташлаб, иккаласи яқиндан танишиб олишди. Сўнг қайта-қайта учрашиб, бир-бирларини ёқтириб қолишди. Эркакнинг исми Фаррух бўлиб, турмуш ўртоғи ва болалари билан пойтахтда яшар, бироқ вилоятдаги бир корхонада қўриқчи бўлиб ишлагани боис кўп вақти Қаршида ўтар экан.

Икки ошиқ-маъшуқнинг бу муносабатларига Гулсеварнинг отаси бошчилигида бутун оила аъзолари қарши бўлишди. Ҳатто қизини насиҳату танбеҳлари билан йўлга сололмаган ота уларни ажратишда Фаррухнинг хотини Дилнозадан ҳам ёрдам сўради.

Шунча норозилигу қаршиликларга қарамасдан Гулсевар ва Фаррух шариий никоҳ асосида бирга яшай бошлашди. Ўғай фарзандлари катта бўлаверганидан кейин Фаррух арзимаган нарсалардан жанжал чиқариб, Гулсеварни урадиган бўлди. Бунга фарзандлар чидай олишмади. Ўғай отасига қаршилик кўрсатишди. Фаррух энди уларга ҳам қўл кўтарди.

Гулсеварнинг болалари Фаррухдан уйдан чиқиб кетишни талаб қилишди. Аммо у бунга парво ҳам қилмади. Шунда Гулсевар ота-онасидан, ака-укаларидан воз кечиб Фаррухни танлаганига минг пушаймон бўлди. Аммо энди кеч эди. Уларнинг ёнига қайтиб боришга юзи чидамасди. Тийиқсиз эринининг барча қилиқларига чидашга мажбур бўлди.

2014 йилда катта ўғли Султон пойтахтдаги нуфузли институтга ўқишга кирди. Бундан хабар топган Фаррух вазиятдан фойдаланиб қолмоқчи бўлиб, Гулсеварни аврай бошлади:

— Отанг олиб берган уйни сотамиз, сизлар билан бирга Тошкентда яшаймиз, икки оилам ҳам Тошкентда бўлади, Қаршига келмаймиз. Уйнинг пулига Тошкентдан сизларга уй олиб бериб, қолганига кунларингни ўтказадиган бизнес қилиб бераман...

Гулсевар уйнинг ҳужжатларини эрига тутқазди. Шундай қилиб, уй 49 минг АҚШ долларига сотилди. Фаррух уларни пойтахтга олиб бориб, кўп қаватли уйдаги бир хонадонни кўрсатди.

— Сизларга мана шу уйни сотиб олиб бераман, — деди.

Гулсевар индамай эрининг гапларига кўнди. Аммо кейинроқ Фаррух уйнинг пулига хорижий русумдаги автомашина сотиб олганини эшитди-ю, яна аламини ичига ютишга мажбур бўлди.

Бир куни Фаррух бўйи етиб қолган, эрта-индин Мансур исмли йигит билан тўйи бўлиши мўлжалланаётган ўғай қизи Маржонани чақириб, дўқ ура бошлади:

— Мансурни чақириб, “сенда кўнглим йўқ” деб айтиб, тўйни тўхтатасан. Агар мен айтгандек қилмасанг, кимлар билан гаплашганларинг фотосуратлари менда бор, шуларни унга кўрсатаман, Мансурингнинг калласи бўлса, ўзи кетиб қолади...

Бу гапларни эшитиб қолган Гулсевар алам ва ғазабдан титраб кетди ва важоҳат билан эрига ташланди:

— Яна нималарни бошлаяпсиз? Менинг ҳаётимни заҳарлаганингиз камлик қилдими? Қизимни тинч қўйинг. Боринг, чиқиб кетинг, бу бизнинг уйимиз...

Аммо Фаррух уни яна уриб ташлади. Кичкина ўғли Сардор Фаррухга ташланди, аммо кучи етмади. Фаррух эшикдан чиқиб кетар экан, заҳарханда-лик билан қичқирди:

— Шу кечадан Маржонанг қолмайди. Уни йигитлар Қўнғиртоққа олиб чиқиб кетиб, билганини қилишади...

Гулсевар уввос тортиб юборди. Акаси Султон уйга қайтгач, Сардор бўлиб ўтган воқеани унга айтиб берди. Нафрат ва аламдан Султоннинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

Ўша кеча Султон танишининг тўйидан ичиб чиқди. Уйга қайтаркан, ширакайф эмасми, хаёлида яна Фаррухнинг қилиғи жонланиб, ғижиниб кетди. Йўл-йўлакай унга қўнғироқ қилди.

— Қанақа одамсиз ўзи? — деди ғазаб билан ўғай отасига. — Маржонадан нима истайсиз? Бизни тинч қўйинг... Бошқа безовта қила кўрманг...

— Бўпти, — деди Фаррух. — Бир оғиз гапинг, тинч қўяман. Фақат онангга айтасан, менга ўттиз миллион сўм беради. Ана ундан кейин қорамниям кўрмайсанлар...

— Қаердасиз ҳозир? — деди йигит нафратдан бўғилар даражада. — Гаплашиб олишимиз керак...

Фаррух ўзи ётган меҳмонхонанинг номини айтди. Тунги соат иккилардан ўтиб Султон ўғай отасининг меҳмонхонадаги номерига кириб борди. Фаррух хонада аллақандай тақирбош ва соқолли йигит ҳамда бир аёл билан ичкилик ичиб ўтиришар эди. Телефонда бошланган мавзу яна давом этди.

— Ўзингизнинг биздан 11 минг доллар қарзингиз бўлса, яна қандай сизга ўттиз миллион сўм пул берамиз, ўша қарздан ҳам кечдим, бизни тинч қўйинг...

> *Ота ўғлидан уларни тинч қўйиш учун 30 млн. сўм талаб қилди.*

Фаррухнинг жаҳли чиқиб, Султонни ҳақорат қила бошлади. Шу орада тунги клубда иш юритувчи бўлиб ишлайдиган Ибрат исмли таниши унга қўнғироқ қилиб қолди. Фаррух гаплашиб бўлгач, Султонга қараб истеҳзоли тарзда деди:

— Эсингдан чиқди шекилли, сени Ибратдан ҳам мен қутқарганман, бўлмаса клубдагилар дабдалангни чиқаришарди сен жўжахўрознинг... — сўнг “громко”га қўйилган телефонига қараб деди: — А, Ибрат, нима дединг? Ўғай ўғлимни нима қилардиларинг агар мен аралашмасам?

Телефондан Ибратнинг овози келди:

— Энди сизнинг ҳурматингиз учун тегмадик, Фаррух ака. Бўлмаса кўрарди кунини...

Султоннинг жаҳли чиқиб, Фаррухни ва Ибратни сўкиб юборди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, Ибрат етиб келди. Меҳмонхонанинг ташқи тарафига ўтиб, орани очиқ қилмоқчи бўлишди. Фаррух ва Ибрат Султоннинг юзларига уриб, камситиб, ҳақоратлаб, роса адабини берган бўлишди. Бу орада жанжал устига келиб қолган ички ишлар ходимлари уларнинг ҳужжатларини сўрашди. Фаррух паспортини кўрсатди. Султоннинг ёнида эса ҳужжати йўқ эди. Уни бўлимга олиб кетишди. Наркология диспансерида енгил даражада маст экани аниқланган, жанжал қилмасликни тайинлаб, қўйиб юборишди. Фаррух йўловчи автомашинада уйига кетди.

Йигит алам устида бир қарорга келиб бўлган эди: “Тинч қўймас экан, ўзини тинчитиш керак!”. Уйдан ҳеч кимга билдирмасдан пичоқ олиб, тўғри ўғай отаси ётган меҳмонхонага бориб, эшикни тақиллатиб, четда пойлаб турди. Белига сочиқ ўраган Фаррух чиқиб келди. Султон унга ҳеч нима демасдан орқа томонидан бўйнига пичоқ санчди. Фаррух дод солиб йиқилганидан сўнг қорнига икки марта тиғ урди. Сўнг чапдастлик билан иккинчи қаватдан сакраб тушиб, қочди. Йўл-йўлакай пичоқни ҳам отиб юборди...

Уйга бир аҳволда қайтган Султон онасига “Анави Фаррух кални ўлдириб қўйдим” деди. Онаси унинг гапига ишонмади. Икки соатлардан сўнг Султон нима қилиб қўйганини англаб, бошини чангаллади. Шаҳар прокуратурасига кириб бориб, бўлган воқеани гапириб берди...

Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судида мазкур жиноят иши кўрилди. Маълум бўлишича, ўғай отасининг умрига зомин бўлган судланувчи қаршилик Султон Ботиров 1996 йилда туғилган, маълумоти ўрта, бўйдоқ, илгари уч йилга озодликдан маҳрум қилиниб, амнистия туфайли жазодан озод қилинган. Сўнг суд ҳукмига кўра икки йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жазони ўтамаган. Ҳеч қаерда ишламайди.

Суд мажлисида Султоннинг иқрорларидан ташқари гувоҳларнинг кўрсатувлари ва бошқа бир қатор далиллар билан унинг жинояти ўз исботини топди. Суд ҳукмига кўра унга илгари ўталмай қолган икки йил озодликни чеклаш жазосини қисман қўшиш йўли билан 13 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Эндигина йигирма тўрт ёшни қаршилаган навқирон йигит шу тариқа панжара ортига йўл олди. Алам, ғазаб ва нафрат унга жуда қимматга тушди...

Рухсораларнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 12 та қорамоли, 4 та оти ва 30 бош қўй-қўзиси бор. Ҳар йили эрта баҳордан совуқ тушгунча чорвасини маҳалласидаги далада боқиб келади.



КЎНГИЛЧАН ЎҒРИ

Асрор ВАЛИЕВ,
Пастдарғом тумани прокурори

Дилмурод акаси билан бирга унинг иккита қўзисини чўпондан олиб келаётганда шу маҳалладан ўтишди. Шу пайт Дилмурод қаровсиз молларни кўриб, улардан бирини ўғирлашни кўнглига тугиб қўйди.

Бир куни кечга яқин у режасини амалга ошириш учун йўловчи машинада далага келди. Атрофни зулмат қамраб, одамлар камайишини кутди. Орадан бир ярим соатлар ўтгач, моллар орасидан бир ҳўкизни танлаб, қозиғини суғурди.

Ҳўкизни етаклаб, йўл ёқасидан кетаверди. Ора-орада тўхтаб дам олди. Тонгги соат 5:30 ларда Жума шаҳрига етиб келди.

Ҳўкизни етаклаб дўсти Юсуфникига борди.

— Бозордан 3 миллион 700 минг сўмга ҳўкиз сотиб олдим. Меникида боқишга шароит йўқ. Кўп қаватли уйда тураман, биласан. Шунинг учун Нодирникига ҳайдашиб бор менга, соат еттида ишга кетишим керак, — деди.

Юсуф унга ҳамроҳ бўлди. Маҳалла йўлидан кетаётганда шаррос ёмғир ёғиб қолди. Молни теракзорга боғлаб, ёмғир тинишини кутишди.

— Тўғрисини айтсам, буни сотиб олганим йўқ. Ўғирлаб келаяпман, — деди Дилмурод.

— Бекор қилибсан, нимага бундай қилдинг? Қўй, жўра, юр, жойига олиб бориб қўяйлик, — деди Юсуф.

Лекин Дилмурод молни қайтаргиси келмади. Шу пайт машинасида Нодир келиб қолди. Улар Юсуфнинг уйига бориб чой ичишди, ёмғир тинишини анча кутиб қолишди. Нодир уйига кетаётганда Дилмурод ҳўкизни ҳам олиб кетишини айтди.

— Ўғирланган молни ҳовлимга олиб бормайман. Яхшиси, эгасига қайтариб бер, — деди у ҳам.

Дилмурод аросатда қолди. Юсуф иккови ҳўкизни боғлаган жойидан тополмади. Атрофни излашди, шу ерга яқин бир уйнинг олдида боғлиқ турган экан.

Ҳовлига яқинлашганда эгаси чиқди.

— Ёмғир ёққанда боғлаб кетгандим. Энди олиб кетаман, — деди Дилмурод.

— Мен бу кимники экан деб тўрт соат кутдим. Қўшниларнинг ҳаммасидан сўраб чиқдим. Охири ИИБга қўнғироқ қилдим. Инспектор келиб молни расмга олиб кетди. Унинг рухсатисиз ҳеч кимга беролмайман, — деди у киши.

Йигитлар чорасиз Юсуфникига қайтишди. Дилмурод ўйлаб-ўйлаб молни эгасига қайтаришга қарор қилди. Дўсти билан ҳўкизни олишга борганда уларни ИИБ ходимлари қарши олди.

Эрталаб мол-қўйларидан хабар олишга борган Рухсора қизғиш рангли ҳўкизи йўқлигини билди. Ипини узиб кетгандир деб ўгиллари билан роса қидирди. Лекин ҳеч қаердан тополмади. Шундан сўнг ИИБга мурожаат қилди.

Суд ҳукми билан Дилмуродга 2 йилу 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Дилмурод илгари ҳам бир неча бор судланган эди. Зора, бу сафар тузалиш йўлига ўтиб, ҳаёт тарзини ўзгартирса.

Фарғона ва Қизилқия (Қирғизистон) шаҳарлари ўртасида автобус қатнови йўлга қўйилди.

FAOLIYATIDAN

Сувни сувчи талон-торож қилди

Сарварбек ЮНУСОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бошлиғи

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан Мажбурий ижро бюроси органларига сув учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Бюро ходимлари тўловларни ўз вақтида ундириш билан бирга, сув таъминоти ва оқова сув тармоқларига ноқонуний уланиш, сувни талон-торож қилиш каби ҳолатларни фош этмоқда. Жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдорлар жазосини олаяпти.

Озод Тожибоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2013 йилдан 2018 йилнинг 28 февраль кунига қадар Андижон вилояти "Сувоқова" давлат унитар корхонаси филиалларининг бирида муҳандис уста, корхона бошлиғи лавозимларида ишлаб келган. У мансабини суиистеъмол қилиб, фуқаролардан сув истеъмоли учун йиғилган 40 миллион 780 минг сўмни ўз манфаати йўлида ишлатиб юбориб, "Сувоқова" ДУК филиалига зарар етказди.

О.Тожибоевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суднинг ҳукмига кўра жазо тайинланди.



Мажбурий ижро бюроси томонидан мунтазам равишда электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўриб келинмоқда. Натижада тармоқлардан ноқонуний фойдаланаётган кўплаб қоидабузарлар аниқланаяпти.

Зарарни камайтириш 300 доллар...(ми)?

Ўктамжон АҲМЕДОВ,
МИБ Наманган вилояти бошқармаси катта инспектори

Чуст шаҳридаги умумий овқатланиш шохобчасида ўтказилган тадбирда ҳам табиий газдан ноқонуний фойдаланилаётгани фош этилди. Мазкур ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштирилгач, бундан хабар топган Наманган ҳудудий газ таъминоти филиали ходими Р.Т нинг "пайтавасига қурт тушди". Қоидабузарлик бўйича аниқланган зарар суммасини камайтириш баҳона пул ишлаб олмоқчи бўлди ва фуқаро А.А.дан 300 АҚШ доллари сўради.

Таъминотчи корхона ходимининг найрангини сезган истеъмолчи бюронинг Чуст тумани бўлимига мурожаат этди. Унинг мурожаати юзасидан ўтказилган тадбирда фирибгар тузоққа илинди. Яъни А.А.дан 200 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Кўнгил нопоклиги кишини ҳамиша шундай юзиқоралик сари етаклайверади.

Билмагани билдирилди

Адҳам РАШИДОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси бўлим инспектори

Каттақўрғон шаҳридаги "Яккабоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида Мажбурий ижро бюросининг Каттақўрғон шаҳар бўлими ва жиноят ишлари бўйича шаҳар суди ҳамкорлигида алимент билан боғлиқ тадбир ўтказилди. Унда алимент олувчилар, алимент тўловчилар, уларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, участка нозирлари иштирок этди.

Тадбирда жиноят ишлари бўйича шаҳар судининг раиси А.Абдураззоқов сўзга чиқиб, алиментни вақтида тўламасликнинг оқибати, алимент тўлашдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида маъруза қилди.

Шунингдек, Яккабоғ маҳалласидаги сайёр суд мажлисида шу маҳаллада яшовчи Карим Саломовнинг иши кўриб чиқилиши белгиланган эди. У фарзанди таъминоти учун фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг буйруғига асосан Дилсўз Бобоевага ойлик даромадининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент тўлашга мажбур бўлса-да, уни тўлашдан бўйин товлаган. Бу қилмиши учун маъмурий суднинг қарорига асосан 15 сутка қамоқ жазоси тайинланган бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунга қадар жами 11 миллион 69 минг сўм қарзини тўлашдан бош тортиб келган. Шу сабабли унга МИБ Каттақўрғон шаҳар бўлими томонидан Жиноят кодексининг 122-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган. Қарздор К.Саломов суд мажлисига келмасдан, қочиб юргани сабабли унга нисбатан суд томонидан қидирув эълон қилинди.

12 та ижро ҳужжати бўйича тарафлар яраштирилган.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, бюронинг шаҳар бўлимида алимент ундириш бўйича 1446 та ижро ҳужжати мавжуд. Бугуни кунга қадар 61 та ижро ҳужжати тамомланган, 19 тасининг ижроси таъминланган. 41 та ижро ҳужжати "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан (ундирувчининг аризасига кўра) ундирувчиларга ижросиз қайтарилган, шундан 12 та ижро ҳужжати бўйича тарафлар яраштирилган.

Қарздорлар ва уларнинг ота-оналарининг алиментга оид саволларига суд ва Мажбурий ижро бюроси ходимлари томонидан батафсил жавоблар берилди.

Газдан уришнинг антиқа йўли



Отабек САЛМАНОВ,
МИБ Фарғона шаҳар бўлими бошлиғи

Фарғона шаҳридаги оҳак цехида МИБ Фарғона шаҳар бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда "уддабурон тадбиркор" К.Исоқов цехга ўрнатилган электрон газҳисоблагичнинг муҳрини бузмасдан туриб газ босимини камайтириш йўлини топгани аниқланди. Яъни у газ босимини ҳисобга олувчи асбобга таъсир кўрсатиб, белгиланган коэффициентни ҳисобламасдан газ истеъмоли камроқ кўрсатилишига эришган. Бу қилмиши билан К.Исоқов давлатга 117 миллион 748 минг сўмлик зарар етказган.

Қонунбузарга Жиноят кодексининг 185-2-моддаси талаблари тушунтирилиб, жиноий жавобгарликка тортилмаслиги учун бир ой вақти борлиги маълум қилинди. Табиийки, суднинг қора курсисида ўтиришни истамаган К.Исоқов давлатга етказган зарарини тўлади.

Бўйин товлаган ҳам қамалади, ҳам тўлайди

Сожида ҲАЙДАРОВА,
МИБ Қоракўл тумани бўлими давлат ижрочиси

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47[4]-моддасида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш учун жавобгарлик белгиланган.

Унга кўра моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу кодекснинг мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алиментдан қарзини ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 122-моддасида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик белгиланган. Яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган шахс, шундай ҳаракатни маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Қоракўл туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан Қоракўл тумани "Хўжакон" МФЙда яшовчи А.Жўраев собиқ турмуш ўртоғи Д.Олимовага вояга етмаган икки фарзанди таъминоти учун икки ойдан ортиқ муддат мобайнида 9 миллион 967 минг 980 сўм алиментни тўлашдан бўйин товлагани сабабли маъмурий жавобгарликка тортилиб, суд қарорига асосан 15 суткага қамалди.



Шунингдек, фуқаро М.Бобоев ҳам 2 миллион 634 минг 400 сўм алиментни тўлашдан бўйин товлагани учун унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ҳужжат расмийлаштирилган. Судга қадар етказилган моддий зарар қопланган сабабли М.Бобоев жавобгарликдан озод қилинди.

Она ўз уйига киритилди

Шаҳзод ЭЛБОЕВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

Бир муштипар она оилавий можаролар сабаб қайнотаси, қайнонаси ва қайинсингли-лиси томонидан фарзандларидан ажратилиб, кўчага ҳайдалган эди. Бироқ у оилани муқаддас билди, фарзандларини ўйлаб турмуш қийинчиликларига бардош берди. Аммо ўзининг қонуний ҳуқуқини ҳам унутмади ва фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи тумани судига мурожаат қилди.

Суд фуқаро С.Холиқовани (исм-фамилияси ўзгартирилган) уйга мажбурий тартибда киритиб қўйиш ва қайта чиқармаслик мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор чиқарди. Ижро ҳужжати Мажбурий ижро бюроси Чироқчи тумани бўлими иш юритувига олинди ва ижро ҳаракатларига киришилди.

Давлат ижрочилари бир неча марта С.Холиқовани ихтиёрий тартибда уйига киритиш тўғрисида турмуш ўртоғи ва унинг оила аъзолари билан тушунтириш ишлари олиб боришига қарамасдан, улар муросага келишни хоҳлашмади. Натижада С.Холиқовани мажбурий тартибда уйига киритиш белгиланди.

Мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида С.Холиқова фарзандлари, турмуш ўртоғи ва унинг яқин қариндошлари яшаб турган уйга киритилиб, уларга тўсқинлик қилмаслик мажбурияти юкланди.

Энди метрога жетонсиз ҳам кирса бўлади. Маълум қилинишича, 10 та бекатда 7 октябрдан бошлаб HUMO картаси орқали йўл ҳақини осонгина тўлаш мумкин.

MUNOSABAT

БИРЛАШГАН ЎЗАР...



Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар бўлиб, аҳолининг турмуши фаровонлашиб бораётганини эътироф этиш керак.

Отабек ЖАЛОЛОВ,
Наманган шаҳар ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими бошлиғи

Фаровонликнинг муҳим кўрсаткичи ижтимоий барқарорлик, аҳоли хавфсизлигининг таъминланиши, оқсоқолларимиз дуоларида айтганидек ҳар бир хонадонда тинчлик, хотиржамлик бўлишидир. Шу боис фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини самарали ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда, жиноятчиликнинг олдини олмасдан халқ ишончини қозониш мумкин эмас. Ҳар қандай жиноят, зўравонлик — адолатнинг бузилиши, ҳақиқатнинг синишидир. "Жиноят ҳақиқати ва адолати" тизимининг ташкил этилиши бу борада ҳақиқат, адолат устувор бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, жиноятчиликнинг олдини олишда, адолат қарор топишида кўпчилик бирлашиб ҳаракат қилиши керак. Аҳолида адолат бузилишига, қонунбузарликка нисбатан тоқат қилмаслик кайфиятини шакллантиришимиз зарур. Токи, ҳар ким ўзи гувоҳи бўлиб турган ҳар қандай қонунбузарликка бефарқ бўлмасин, унга муносабат билдиришни ўзининг фуқаролик бурчи деб билсин.

Юртимизда "Хавфсиз шаҳар" концепцияси йўлга қўйилиши таъкидланди. Концепция ички ишлар органлари ишини замонавий тарзда, тубдан қайта ташкил этишга, орган ходимларининг аҳоли ичига янада фаолроқ кириб боришини ва ҳамкорлигини назарда тутади. Шунда ёшлар жиноятчилиги, ўз жонига қасд қилиш, йўл-транспорт ҳодисалари сингари нохуш ҳолатлар камайишига эришилади.

Лекин сизу биз, кенг жамоатчилик ҳам тинчлик ва барқарорликни асрашга, жиноятчилик ва қонунбузарликларнинг олдини олишга масъул эканимизни унутмаслигимиз керак.

Келгуси сонда ▶

СОХТА ДХХ ХОДИМИНИНГ «САРГУЗАШТ»ЛАРИНИ ЭШИТГАН ОДАМ ҲАЙРАТДАН ЁҚА УШЛАШИ ТАЙИН.

BILASIZMI?

Каврак женшендан устунми?

Каврак (Ferula) туркуми ўсимликлари зирадошлар оиласига мансуб бўлиб, ер юзида унинг 170 дан зиёд тури мавжуд. Ўрта Осиёда 110 дан ортиқ, мамлакатимизда эса 50 та тури учрайди. Смола-елим олиш учун асосан 10 тури ишлатилади. Булар сассиқ каврак, Кўҳистон кавраги ва бошқа номдаги кавраклардир. Бу турлар ташқи морфологик жиҳатдан бир-бирларига жуда ўхшаб кетади, аммо табиатда сассиқ каврак (Ferula assa-foetida L.) кенг тарқалган бўлиб, елим-смола асосан шу турдан олинади.



Каврак бир қарашда кишида кераксиз, ёввойи ўсимлик сифатида таассурот қолдиради. Уни барчамиз йўлда, чўлда кўп учратганмиз. Аммо унинг шифобахш хусусиятларини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифларидан бирида каврак етиштирувчилар ассоциациясини тузиш таклифини ўртага ташлаган эди. Дарҳақиқат, юртимизда кавракнинг кенг тарқалгани ва экиб кўпайтириш имкониятининг мавжудлигини инобатга олган эди.

Топшириққа асосан каврак майдонларини кенгайтириш, плантациялар ташкил қилиш, уларни қайта ишлашни ривожлантириш борасида ҳам улкан ишлар бошлаб юборилди.

Кавракнинг фойдали хусусиятлари бизга аввалдан маълум бўлиб, Абу Али ибн Сино, Беруний каби алломаларимиз турли касалликларни даволашда ундан тайёрланган дорилар ва пархез таомларни қўллашни тавсия қилишган.

Каврак туркумига мансуб турлар чўл ва адирлар, тоғ ва тоғолди ялангликларида, соф тупроқли ерларда ўсади. Унинг Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон ҳудудида ўсадиган турларининг дориворлиги юқори саналади. Каврак Қозоғистон, Тожикистон, Эрон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонда ҳам кенг тарқалган.

Ҳудудимизда бу ўсимлик март-апрель ойларида гуллайди, меваси апрель-майда пишиб етилади. Ўсимлик кўп йиллик ҳисобланади, ер устки қисмлари ўсиш муҳити ва об-ҳавога қараб 1,5-2 ой яшайди. Кавракнинг бўйи 1,5-2 метргача, илдизининг йўғонлиги 15-20 см.гача етади. Баҳорда ҳали тўлиқ етилмаган илдизидан маҳаллий аҳоли кўк сомса, пичак каби таомларни тайёрлайди.

Одатда доривор маҳсулот сифатида илдизи, барги, пўстлоғи, гули, мевасидан тайёрланадиган ширази, кукуни, настойкаси, эмулсиясидан фойдаланилади. Асосан елими — илдизидан олинадиган ширази тиббиётда кенг қўлланади.

Юқорида ёзилганидек, елим олиш учун асосан 10 тури ишлатилади. Табиатда сассиқ каврак (Ferula assa-foetida) кенг тарқалган бўлиб, республикамизда тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган елим асосан шу турдан олинади.

Шифобахш хусусиятлари кўплиги сабабли тиббий мақсадда кенг қўлланади. Ошқозон-ичак йўлини шлаклар ва гижжалардан тозалашдан ташқари, бошқа касалликларни даволашда ҳам жуда фойдали ҳисобланади. Ангина, бронхит ва нафас аъзолари шамоллаши билан кечувчи бошқа касалликларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Эритмаси билан оғиз чайилса антисептик ва оғриқ қолдирувчи хусусияти борлиги учун нафас йўлларини микроблардан тозалайди ҳамда оғиздан ёқимсиз ҳид келишини йўқотади, оз миқдорда ичилса овоз бўғилишига даво бўлади.

Кўз касалликларида катаракатанинг бошланғич босқичларини самарали даволаш, заҳарли ҳашоратлар чаққанда эса заҳар таъсирини камайтиришда қўллаш мумкин.

Буйракдан тош тушириш, псориаз, экзема, терини тозалаш, жигарни тозалаш ва касалликларни даволаш хусусиятини Ибн Сино алоҳида таъкидлаган.

Асаб тизимидаги бузилишлар ва тутқаноқни даволашда жуда самарали эканлиги, тиш оғриғи, мушак ва бўғимдаги оғриқлар, артрит, остеохондрозда жуда яхши натижа бериши маълум. Шарқ табобатида мастопатия, бепуштлик, жинсий ожизликни даволашда ишлатилган. Қатор онкологик касалликлар, бачадон миомаси, простата бези аденомасида фойда беради.

Каврак томир тортиши, ўпка сили, ўлат, захм, кўкйўтал каби хасталикларни даволашда қўл келади, шу билан бирга инсонга қувват берувчи, энергетик балансни ва тонусни тикловчи восита ҳам ҳисобланади.

Баҳорда илиқузилди даврида турли фойдали витаминлар, микроэлементлар ўрнини тўлдириш билан организмни тўпланиб қолган зарарли шлаклардан, хилтлардан тозалайди, руҳий тетиклик беради.

Ана шулар боис тажрибали табиблар, шифокорлар кавракни женшендан устун ҳисоблашган.

Булардан ташқари Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Афғонистонда каврак елими ва илдизи зиравор сифатида, косметика саноатида ишлатилади.

Хитой, Ҳиндистон ва Осиёдаги бошқа давлатларда каврак таом тайёрлашда кенг қўлланади. Каврак елимидан олинган кукун зиравор сифатида, пиёз ва саримсоқ ўрнини босувчи сифатида таомга қўшилади. Овқат ҳазм қилишни кучайтириши сабабли ҳинд халқида каврак қўшилса, ошқозон михни ҳам ҳазм қилиб юборади деган ибора бор. Ҳазми қийин таомларни тайёрлашда таомга албатта қўшилади. Иштаҳани очиш билан бирга дам ҳосил бўлиш, кекиришни ҳам йўқотади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, кавракнинг шифобахш хусусиятларини халқимизга кенг етказишимиз зарур. Кавракнинг шифобахшлигидан фармацевтика саноатида унга талаб ортиб бормоқда, дунё бозорида ҳам бу маҳсулот ниҳоятда харидоргирдир.

Табиий ҳудудларда ўсувчи кавракни асраб-авайлаш ҳам долзарб масаладир. Энг муҳими, каврак етиштириш, қайта ишлаш сердаромад соҳа бўлиб, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

ЎзА

REKLAMA

«SAMARQAND MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Жомбой туман ДСЭНМнинг 2019 йил 8 октябрдаги 01/767-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, F.Ғулом кўчаси 3-уйда сақланаётган 2008 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 356 LAA, техник носоз бўлган «ВАЗ-21074-110-30» русумли автомашина 2 200 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 11 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашина 11 ноябрь куни сотилмаган тақдирда, **такрорий савдолар 18 ноябрь ва 25 ноябрь** кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Кўқсарой филиалидаги 20208000804942465001, (МФО:00262, ИНН:302129857) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Тел: (66) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.

Хизматлар лицензияланган

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[T] — tijorat materiali.
Buyurtma **v-3819**.
16 309 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **H.NISHONOV**
Sahifalovchi: **S.BOBOJANOV**
Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda
Nashr ko'rsatkichi **231**
Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 **1 2 3 4 5 6 7 8 9**
Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda **0188**-raqam bilan ro`yxatga olingan.
ISSN 2010-7617

Тарихга кирган Шомуродов Роналдудан олдиндами?

Россия премьер-лигасининг 12-турида ҳамюртимиз Элдор Шомуродов тўп тепадиган "Ростов" клуби ЦСКА жамоасига қарши ўйнаб, 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.



Мазкур ўйинда Элдор Шомуродов ҳам рақиб дарвозасини ишғол этди. Шу тариқа 24 ёшли ҳужумчимизнинг бу йилги чемпионатдаги голлари сони 10 тага етди.

Қайд этиш жоиз, "Ростов" клуби тарихида 12-турдан сўнг ҳеч бир футболчи 10 та тўп киритмаган эди. Бу борадаги энг яхши кўрсаткич Александр Масловга тегишли бўлиб, у 1996 йилги мавсумда 12 ўйинда 9 та гол киритган.

Бу йил "Ростов" ортда қолган 12 турдан кейин 26 очко жамғарди ва бу борадаги рекорд ҳам янгиланди. Клуб ўзининг энг яхши натижасини қайд этган 2015/2016-йилги мавсум стартидаги 12 матчдан сўнг 21 очко тўплаган эди.

Шунингдек, Европа "Олтин бутса"си учун курашда ҳамюртимиз 21-ўринни эгаллаб турибди. Ҳозирча Элдор Шомуродов жадвалда Европанинг илғор жамоаларида тўпурар бўлиб турган Чиро Иммобиле, Криштиану Роналду, Пьер-Эмерик Обамейянг ва Раҳим Стерлинг каби номдор футболчилардан юқорида.

"Олтин бутса" жадвали

Ўрин	Футболчи	Клуб	Голлар сони	Гол учун очко	Очко
1	Эрик Сорга	"Флора"	27	1	27
2	Роберт Левандовски	"Бавария"	11	2	22
9	Эрлинг Холланд	"Зальцбург"	11	1,5	16,5
16	Темми Абрахам	"Челси"	8	2	16
17	Серхио Агуэро	"Ман. Сити"	8	2	16
19	Александр Соболь ев	"Кр. Советов"	10	1,5	15
21	**Элдор Шомуродов**	"Ростов"	10	1,5	15
25	Чиро Иммобиле	"Лацио"	7	2	14
27	Пьер-Эмерик Обамейянг	"Арсенал"	7	2	14
46	Карим Бензема	"Реал"	6	2	12
47	Дуван Сапата	"Аталанта"	6	2	12
48	Раҳим Стерлинг	"Ман. Сити"	6	2	12
98	Пако Алькасер	"Боруссия"	5	2	10
100	Андреа Белотти	"Торино"	5	2	10



Ҳабиб Ўзбекистонда ММА академиясини очмоқчи

ММА жангчиси, енгил вазнда UFC чемпиони Ҳабиб Нурмагомедов Ўзбекистонда жанг санъати академиясини очишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда у Санкт-Петербургда ўтган Синергия глобал форуми доирасидаги матбуот анжуманида маълум қилди.

"Ўзбекистонда келгусида ММАни ривожлантириб, академиямни очиш ниятидамиз. Ўзбекистонда дўстларимиз кўп. Нафақат дўстларим, мухлисларим ҳам жуда кўп. Адашмасам, у ерда 35 миллион аҳоли бор. Дунёнинг қаерига борсам ҳам ўзбеклар олдимга келиб, омад тилашади", — деди Нурмагомедов.

Ҳабиб, шунингдек, 23 ноябрь куни Тошкентда амакиваччаси Умар Нурмагомедов иштирокида ўтадиган GFC-21 мусобақаси "Ҳумо" аренасида ўтказилишини маълум қилди.

"Биз у ерда GFC-21 турнирини ўтказамиз. Бу — Ўзбекистон тарихидаги илк ММА мусобақаси бўлади. Адашмаётган бўлсам, турнирни "Ҳумо" аренасида ўтказамиз. Мусобақада ўзбекистонлик 7 нафар, бизнинг залимиздан эса 6 нафар жангчи қатнашади", — деди доғистонлик спортчи.

Ҳабиб Нурмагомедовнинг айтишича, у навбатдаги жангини келаси йил март ёки апрель ойида ўтказишни режалаштирган.





Финалда ўзимизникилар курашди

Термиз шаҳридаги "Алпомиш" стадионида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти совғини учун Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган XIV халқаро турнир бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз ва дунёнинг 48 давлатидан келган 55, 66, 73, 81, 90 ва +100 килограмм вазн тоифасида ёшлар, 48, 57, 70 ва +78 килограмм вазн тоифасида қизлар ҳамда мутлақ вазн тоифасидаги энг сара полвонлар гиламга тушиб, ўзаро беллашди.

Катта спорт байрамига айланган турнирда барча қитъалардан моҳир полвонлар, мураббийлар ва ҳакамлар билан бирга Африка кураш конфедерацияси президенти Томас Дунеер, Панамерика кураш конфедерацияси президенти Жанни Казанова, Осиё кураш конфедерацияси президенти Комилжон Рўзиев, шунингдек 19 та хорижий давлатнинг кураш федерацияси президент ва раислари иштирок этди.

Қизғин баҳсларга бой бўлган курашнинг мутлақ вазн тоифасида хоразмлик Болтабой Болтаев сурхондарёлик Муҳсин Ҳисомиддиновни мағлуб этиб, Президент совғини — 10 минг доллар пул мукофотини қўлга киритди. Иккинчи ўринни эгаллаган Муҳсин Ҳисомиддинов 5 минг доллар, учинчи ўрин соҳиби бўлган тожикистонлик Дадахон Қурбоналиев ва эронлик Жаъфар Паҳлавоний 3500 доллардан мукофотга эга бўлди.



Венгер бош мураббийликка номзод

Франциялик мутахассис Арсен Венгер яна бош мураббийликка қайтиши мумкин.

"Le Parisien" нашри маълумотида унинг номи "Лион" бош мураббийлиги учун номзодларнинг кенгайтирилган рўйхатига киритилган. Шунингдек, у билан бирга Лоран Блан, Реми Гард ва Тьяго Мотта ҳам асосий номзод сифатида кўрсатилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, "Лион" клуби раҳбарияти бош мураббий Силвиньони истеъфога чиқарган ва унинг ёрдамчисини вақтинча клубга бош қилиб қўйган эди.

Франция биринчилигининг ўтган мавсумини бронза медал билан якунлаган "Лион" жамоаси бу мавсум 9 турдан сўнг 9 очко билан 14-ўринни эгаллаб турибди.

Рейтинги қудратли Қудратилло

Халқаро бокс федерацияси (IBF) сентябрь ойи учун янги рейтингини эълон қилди. Янгиланган рейтингга кўра, ярим ўрта вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган чарм қўлқоп устаси Қудратилло Абдуқаҳҳоров (16-0, 9 KO) ўз вазн тоифасида расман биринчи поғонадан жой олди.

Вазни 63,5 килограммгача бўлган енгилмас боксчимиз Шоҳжаҳон Эргашев (17-0, 15 KO) аввалги ойдаги каби 6-ўринда қолди. Ушбу вазн тоифасидаги жангларда иштирок этаётган яна бир вакилимиз Шаҳрам Ғиёсов (9-0, 7 KO) ҳам ўз ўринини сақлаб, 15-ўриндан тушмади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозир IBF рейтингида юқоридаги уч нафар профессионал боксчимиз ўрин олган, бошқа юртдошларимиз эса ҳозирча рейтинг жадвалига кирмаган.



Катта қарз таъқибидаги «Барса»

"Барселона" клуби ўтган мавсум молиявий ҳисоботини эълон қилди. AS тарқатган хабарга кўра каталонияликларнинг аввалги йиллардаги трансферлардан 260,7 миллион евро қарзи бор. Жумладан, Филиппе Коутиньонинг трансфери учун "Ливерпуль" клубига 94,6 миллион евро, Малкомнинг трансфери учун "Бордо" жамоасига 30,3 миллион евро пул тўланмаган.

Бундан ташқари, "Барселона" ҳали Артуро Видаль учун "Бавария" (10,9 миллион евро), Нето учун "Валенсия" (31,4 миллион) ва Френки де Йонг учун "Аякс" (48,7 миллион) билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бўлмаган.

Шунингдек, ҳисоботга кўра, "Барселона" ўз футболчиларининг савдосидан 75,3 миллион евро пул олиши керак.



Конор Макгрегор қамалиши мумкин

Эртага икки вазн тоифасида собиқ UFC чемпиони Конор Макгрегор суд олдида жавоб беради.

Суд Ирландия пойтахти Дублин шаҳрида бўлиб ўтади. Конорнинг судланишига қаҳвахонада қарияни ургани сабаб бўлмоқда.

Агар Макгрегорнинг айбдорлиги исботланса, у ярим йилга қамалиши ёки 1500 фунт стерлинг жарима тўлаши лозим бўлади.

Шу йилнинг март ойида Конор Макгрегор профессионал спортчи сифатида истеъфога чиқишини ва бошқа иш билан шуғулланмоқчи эканини эълон қилганди. Бироқ кўпгина мутахассислар бу гапга шубҳа билан қарайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Қарши шаҳрида теннис бўйича аркаклар ўртасида «Фьючерс» туркумига кирувчи «Karshi Men`s International» турнири бошланди.